

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТЎПЛАМИ

43-сон  
(283)  
2007 й.  
октябрь

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

+

—

## МУНДАРИЖА

### *Иккинчи бўлим*

427. «Ўзбекистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмасини тугатиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 октябрдаги ПФ-3930-сон Фармони

428. «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 октябрдаги ПФ-3931-сон Фармони

### *Учинчи бўлим*

429. Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида» 2004 йил 5 февралдаги 57-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 23 октябрдаги 222-сон қарори

431. «Мақтабгача таълим соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 25 октябрдаги 225-сон қарори
432. «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги соғлиқни сақлаш тизими раҳбар ходимларини аттестациядан ўтказиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 25 октябрдаги 227-сон қарори

### Бешинчи бўлим

433. «Йўловчилар ва юкларни автомобиль транспортида ташиш билан шуғулланаётган юридик шахсларнинг ходимларига ва юкларни автомобиль транспортида ташиш билан шуғулланаётган хусусий тадбиркорларга қўйиладиган малакавий талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғининг 2007 йил 12 октябрдаги 126-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 20 октябрда 1626-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
434. «Дон нархлари ўртасидаги фарқни тартибга солиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 10 сентябрдаги 83, 28, 2007-51-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 20 октябрда 1729-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
435. «Шифокор рецептсиз сотиладиган дори воситаларининг рўйхати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2007 йил 25 сентябрдаги 422-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 20 октябрда 1730-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
436. «Истеъмолчи объектларини электр таъминоти лойиҳаларининг келишувини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлиғининг 2007 йил 17 сентябрдаги 144-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 20 октябрда 1731-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
437. «Республика қўчмас мулк биржаси томонидан ўтказиладиган аукционларда қимматликларни сотиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси, Марказий банк Бошқарувининг 2007 йил 12 октябрдаги 92, 01/23-1060, 25/6-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 20 октябрда 145-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

438. «2006 йил 30 августдаги Орол денгизининг Ўзбекистон қисмига тегишли маҳсулот тақсимотида оид Битимни бажариш доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлигининг 2007 йил 5 сентябрдаги 01-02/12-27, ЭГ-01/10-3960, 33-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 22 октябрда 1732-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
439. «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси борткузатувчиларининг ишларини ташкил этиш қоидаларини (ЎзР АҚ-95) тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2007 йил 20 сентябрдаги 145-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 26 октябрда 1733-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги норматив ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2007 йил 20 октябрдан 26 октябргача бўлган маълумот

+

—

**ИККИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

**427 Ўзбекистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмасини тугатиш тўғрисида**

Маъмурий ислохотларни янада чуқурлаштириш, транспорт ва транспорт коммуникациялари соҳасида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолиятини ташкил этиш самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмаси таъсисчиларининг Ўзбекистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмасини тугатиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда Ўзбекистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмасини тугатиш масалалари бўйича қарор қабул қилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмасини ташкил этиш тўғрисида» 2004 йил 11 октябрдаги ПФ-3498-сонли Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 23 октябрь,  
ПФ-3930-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

**428 Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида**

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2007 йилнинг 16 ноябридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, ижтимоий нафақалар ва стипендиялар ўрта ҳисобда 1,2 баравар оширилсин.

2. 2007 йилнинг 16 ноябридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.*

— иш ҳақи — ойига 18630 сўм;  
— ёшга доир пенсиялар — ойига 36900 сўм;  
— ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд — ойига 18630 сўм;  
— болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 36900 сўм;  
— зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 22350 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақиға қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарға, болали оилаларға бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақиға нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2007 йилнинг 16 ноябридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалға оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармондан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалға оширилсин.

6. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2007 йилнинг 16 ноябридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақиға мувофиқ ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайитириш, шунингдек, жорий йил бошидан хўжалик юритувчи субъектлар зиммасига тушадиган солиқ юки даражасини пасайитириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 июлдаги ПФ-3889-сонли Фармони (7-банди истисно қилинган ҳолда) 2007 йил 16 ноябрдан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 23 октябрь,  
ПФ-3931-сон

**УЧИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ****429 Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида» 2004 йил 5 февралдаги 57-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида**

Биржа савдоларида моддий-техника ресурсларининг стратегик турларини сотишда шартнома мажбуриятлари бажарилиши учун жавобгарликни кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида» 2004 йил 5 февралдаги 57-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 2-сон, 10-модда) 2-бандининг еттинчи хатбошидаги «2» рақами «10» рақами билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 23 октябрь,  
222-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**431 Мактабгача таълим соҳасидаги норматив-ҳуқуқий  
ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида**

Мактабгача таълимни янада ривожлантириш, шунингдек болаларни умумтаълим мактабларида ўқишга муваффақиятли тайёрлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикасида давлат мактабгача таълим муассасаси тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасида нодавлат мактабгача таълим муассасаси тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Қисқа муддатли гуруҳлар тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

уч ой муддатда фаолият кўрсатаётган мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ушбу қарор билан тасдиқланган низомлар талабларига мувофиқлаштирсин;

мактабгача таълим муассасалари фаолияти устидан мунтазам назоратни таъминласин, уларга ўзларига юкланган вазифаларни амалга оширишида ҳар томонлама кўмаклашсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Таълим муассасалари ҳақидаги низомларни тасдиқлаш тўғрисида» 1995 йил 18 февралдаги 59-сон қарори 1-бандининг иккинчи хатбоши ва қарорга 1-илова (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1995 й., 2-сон, 5-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 25 октябрь,  
225-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2007 йил 25 октябрдаги 225-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасида давлат мактабгача таълим  
муассасаси тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим тизимини такомиллаштириш, унинг узлуксизлигини, шунингдек Кадрлар тайёрлаш миллий дастури вазибалари самарали амалга оширилишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган ҳамда давлат мактабгача таълим муассасалари (кейинги ўринларда матнда «мактабгача таълим муассасаси» деб юритилади) фаолиятини тартибга солади.

2. Мактабгача таълим муассасаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга ҳамда ўз уставига амал қилади.

3. Мактабгача таълим муассасаси таълим-тарбия ва соғломлаштириш муассасаси ҳисобланади, қуйидагилар унинг асосий вазибалари ҳисобланади:

болаларнинг ҳаётини муҳофаза қилиш ва соғлигини мустаҳкамлаш;

бола шахси асосларини шакллантириш, унинг билимга қизиқишларини ривожлантириш;

боланинг интеллектуал, шахсий ва жисмоний ривожланишини таъминлаш;

боланинг ривожланишидаги нуқсонларни зарур тарзда тузатиш;

болаларни миллий маданият ва умуминсоний қадриятлар билан таништириш;

болаларни мактабда ўқишга тайёрлаш.

**II. Мактабгача таълим муассасасини ташкил этиш тартиби**

4. Мактабгача таълим муассасаси муассис томонидан ташкил этилади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади.

5. Қуйидагилар:

давлат бошқаруви органлари;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари;

давлат корхоналари;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа давлат ташкилотлари давлат мактабгача таълим муассасасининг муассислари бўлиши мумкин.

6. Мактабгача таълим муассасалари ўз ишининг ўзига хослигига мувофиқ қуйидаги типларга бўлинади:

умумий типдаги мактабгача таълим муассасаси;

ихтисослаштирилган (жисмоний ва психик ривожланишида ҳар хил нуқсонлар мавжуд бўлган болалар учун);

санаторий типдаги (заиф, турли юқумли касалликларни бошдан кечирган, сурункали асоратларга эга бўлган болалар учун).

7. Мактабгача таълим муассасаси ўз уставига, банк муассасаларида ҳисоб рақа-



мига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи кўрсатилган муҳрга, юридик манзили кўрсатилган штампга эга бўлади.

8. Мактабгача таълим муассасасини аккредитация қилиш давлат ваколатли органи томонидан аттестация асосида амалга оширилади.

### III. Мактабгача таълим муассасаси фаолиятини ташкил этиш

9. Мактабгача таълим муассасаси белгиланган давлат нормативларига ва мактабгача таълим муассасасига қўйиладиган талабларга мувофиқ болаларни тарбиялашни, ўқитишни, уларга қараб туриш ва уларни парвариш қилишни ҳамда соғломлаштиришни таъминлайди.

10. Мактабгача таълим муассасасида таълим мазмуни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган ёки тавсия қилинган дастурлар билан белгиланади. Мактабгача таълим муассасаси ўз (муаллифлик) дастурларидан фойдаланишга ҳақлидир. Бундай дастурларни тасдиқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланади.

11. Мактабгача таълим муассасасининг иш режими ва болаларнинг у ерда қанча вақт бўлиши мактабгача таълим муассасаси устави ва муассиснинг қарори билан белгиланади. Мактабгача таълим муассасаси (гуруҳ)нинг кундузги ва кечки вақтларда ҳамда кечаю кундуз фаолият кўрсатишига йўл қўйилади.

12. Мактабгача таълим муассасасида болаларни ўқитиш ва тарбиялаш давлат тилида ва «Давлат тили ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ бошқа тилларда олиб борилади.

13. Мактабгача таълим муассасасида овқатланишни ташкил этиш мактабгача таълим муассасасига юкланади ҳамда Ўзбекистон Республикасида тасдиқланган санитария қоидалари ва нормаларига мувофиқ амалга оширилади.

14. Болаларга тиббий хизмат кўрсатиш ҳам штатдаги тиббиёт ходимлари, ҳам мактабгача таълим муассасаларига бириктирилган соғлиқни сақлаш органларининг тиббиёт ходимлари томонидан таъминланади, улар мактабгача таълим муассасаси ходимлари билан биргаликда болаларнинг ҳаёти, соғлиғи ва жисмоний ривожланиши, даволаш-профилактика тадбирлари ўтказилиши, санитария-гигиена нормаларига, овқатланиш режими ва сифатига риоя қилиниши учун жавоб берадилар.

Тиббиёт ходимлари фаолиятини назорат қилиш маҳаллий соғлиқни сақлаш органларига юкланади.

Мактабгача таълим муассасаси тиббиёт ходимига хона беради ва унинг ишлаши учун тегишли шарт-шароитлар яратади.

Мактабгача таълим муассасасининг штатдаги ходимлари соғлиқни сақлаш органларида бепул тиббий кўрикдан ўтадилар, бунинг учун сарфланадиган харажатлар давлат томонидан ажратиладиган маблағлар доирасида белгиланади.

Мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишни ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда белгиланади.

15. Мактабгача таълим муассасаси уставда қайд этилган ўз мақсадларини ва вазифаларини бажариш учун ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар билан тузилган шартномалар асосида оиланинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда асосий таълим дастурларидан ташқари қўшимча пулли таълим хизматлари кўрсатишга ҳақлидир. Пулли таълим хизматлари муассис томонидан молиялаштириладиган асосий таълим фаолияти ўрнига ва унинг доирасида кўрсатилиши мумкин эмас.

**IV. Мактабгача таълим муассасасини бутлаш**

16. Мактабгача таълим муассасасига болалар 2 ёшдан бошлаб 6-7 ёшгача туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларининг қарори билан ташкил этилган халқ таълими бўлимлари ҳузуридаги қабул қилиш комиссияси томонидан тегишли тиббиёт ҳулоасаси ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинади. Қабул комиссиясининг фаолият кўрсатиш тартиби белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланади.

17. Муассислари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бўлган мактабгача таълим муассасасига болаларни қабул қилиш қабул комиссиясининг қарорига биноан халқ таълими бўлимларининг йўлланмалари асосида амалга оширилади.

Муассислари бошқа органлар бўлган мактабгача таълим муассасаларига болаларни қабул қилиш уларнинг муассислари томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади. Бўш ўринлар мавжуд бўлган тақдирда ушбу мактабгача таълим муассасалари болаларни халқ таълими бўлимларининг йўлланмалари бўйича шартнома асосида қабул қилиши мумкин.

Мактабгача таълим муассасасига болаларни қабул қилиш тартиби муассис томонидан белгиланади.

18. Қуйидаги болалар:

I ва II гуруҳ ногиронлари;

кўп болали оилаларнинг болалари;

ҳарбий хизматчиларнинг болалари;

талабалар ва педагогларнинг болалари мактабгача таълим муассасасига қабул қилишда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Қабул комиссияси, шунингдек ота-оналари мактабгача таълим муассасасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашда ёрдам берган болаларни истисно тарзида навбатдан ташқари қабул қилиши мумкин. Бундай болалар контингенти мактабгача таълим муассасаси режадаги қуввати умумий сонининг 20 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

19. Мактабгача таълим муассасасида гуруҳлар сони муассасанинг қувватидан ва гуруҳларнинг режали тўлдирилишидан келиб чиқиб муассис томонидан қуйидагича белгиланади:

2 ёшдан 3 ёшгача — камида — 15 бола, бироқ 20 боладан ортиқ эмас;

3 ёшдан 6-7 ёшгача — камида — 20 бола, бироқ 25 боладан ортиқ эмас.

20. Ихтисослаштирилган ва санаторий йўналишидаги мактабгача таълим муассасаларида гуруҳларнинг тўлдирилиши болаларнинг тоифасига ва ёшига (икки ёшдан бошлаб ва уч ёшдан катта ёшдагилар) қараб белгиланади ва тегишли равишда қуйидагичани ташкил этади:

нутқи оғир нуқсонли болалар учун — 10—12 бола;

нутқи фонетик-фонематик нуқсонли болалар учун фақат уч ёшдан катта ёшдаги болалар учун — 12—15 бола;

кар болалар учун — 8 бола;

яхши эшитмайдиган болалар учун — 10—12 бола;

кўзи ожиз болалар учун — 6 бола;

яхши кўрмайдиган болалар, амблиопияли, ғилай болалар учун — 6—10 бола;

таянч-ҳаракатланиш аъзоси бузилган болалар учун — 6—10 бола;

интеллекти бузилган (ақлий норасо) 3 ёшгача болалар учун — 6 бола;

уч ёшдан катта ёшдаги ақли заиф болалар учун — 10 бола;

сил интоксикацияси мавжуд бўлган болалар учун — 15—20 бола;

тез-тез касалланиб турадиган болалар учун — 15—20 бола;  
мураккаб нуқсонли (икки ва ундан ортиқ нуқсонли) болалар учун — 8—10 бола;  
ривожланишида бошқача нуқсонлари (эндокрин касалликлар) мавжуд бўлган болалар учун — 15—20 бола.

21. Гуруҳларни бошқа ёшдаги гуруҳдан ўтган болалар билан тўлдириш ўқув йили охирида (август ойида), янги қабул қилинаётганлар билан тўлдириш эса ўринлар бўшашига қараб амалга оширилади.

Мактабгача таълим муассасасида ўқув йили ҳар йили 2 сентябрдан бошланади, кейинги йилнинг 1 июнида тугалланади ва янги ўқув йили бошлангунга қадар соғломлаштириш даври бошланади.

22. Ушбу Низомнинг 21-бандида кўрсатилган болалар исталган типдаги мактабгача таълим муассасаларига, уларда тузатиш ишлари учун шарт-шароитлар мавжуд бўлган тақдирда, тиббиёт-психология-педагогика комиссиясининг йўлланмаси асосида қабул қилинади.

### V. Таълим жараёни қатнашчилари

23. Мактабгача таълим муассасасида болалар, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ва педагог ходимлар таълим жараёнининг қатнашчилари ҳисобланади.

Мактабгача таълим муассасасида васийлик кенгашлари ташкил этилади, уларни сайлаш тартиби ва уларнинг ваколатлари мактабгача таълим муассасаларининг уставларида белгиланади. Васийлик кенгашларининг фаолияти белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланадиган васийлик кенгаши тўғрисидаги намунавий низом асосида амалга оширилади.

24. Болаларни қабул қилишда мактабгача таълим муассасаси ота-оналарни ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни муассасанинг устави ва унинг фаолиятини тартибга солидиган бошқа ҳужжатлар билан таништириши шарт.

25. Мактабгача таълим муассасаси билан ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўртасидаги ўзаро муносабатлар шартнома билан тартибга солинади. Шартнома ўқитиш, тарбиялаш, қараб туриш ва парвариш қилиш жараёнида пайдо бўладиган томонларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини ўз ичига олади.

26. Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар:

ўз болалари учун ўқитиш ва тарбиялашнинг шакллари, мактабгача таълим муассасалари типини ва таълим бериш тилини танлаш;

мактабгача таълим муассасаси маъмуриятидан мактабгача таълим муассасасининг уставига мувофиқ бўлган зарур шарт-шароитлар таъминланишини талаб қилиш;  
боланинг шахсига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишни талаб қилиш;  
болаларнинг болалар мактабгача таълим муассасасидаги ҳаёт кечиришини ташкил этишда фаол иштирок этиш;

режим доирасида улар учун қулай бўлган исталган вақтда болаларни мактабгача таълим муассасасига олиб келиш ва ундан олиб кетиш ҳуқуқига эга.

Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар қонун ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

27. Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар қуйидагиларга мажбур: болаларнинг жисмоний ва психик соғлиғи учун ғамхўрлик қилиш;  
боланинг кадр-қимматига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, унда меҳнатсевар-

лик, эзгулик, меҳр-шафқат фазилатларини, ўзидан катта ёшдагиларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш туйғуларини тарбиялаш;

белгиланган нормативларга мувофиқ болалар боғчасида боланинг таъминотида тўловни ўз вақтида тўлаш;

болаларни оилада тарбиялаш учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш;

болаларнинг тўлақонли овқатланишини, уларда шахсий гигиена кўникмалари шакллантирилишини қатъий кузатиб бориш, болани мактабгача таълим муассасасига озода кийинган ҳолда олиб келиш.

Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар қонун ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам олишлари мумкин.

28. Мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиси ва ходимлари ўртасидаги муносабатлар ўзаро ҳамкорлик, боланинг шахсини ҳурмат қилиш ва унга шахсий хусусиятларига мувофиқ ривожланиши учун эркинлик бериш асосида олиб борилади.

29. Мактабгача таълим муассасаси жамоасини бутлаш тартиби намунавий штат жадвалига мувофиқ белгиланади.

30. Тегишли педагогика маълумотида, касбий тайёргарликка ва юксак ахлоқий сифатларга эга бўлган шахслар педагогик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

Суд ҳукми билан ёки тиббий ҳулосага мувофиқ педагогик фаолияти билан шуғулланиши тақиқланган шахсларнинг ушбу фаолияти билан шуғулланишига йўл қўйилмайди.

31. Мактабгача таълим муассасаси ходимларининг ҳуқуқ ва имтиёзлари қонун ҳужжатларида, мактабгача таълим муассасаси уставида, шунингдек меҳнат шартномаси (контракт)да белгиланади.

32. Мактабгача таълим муассасасининг педагог ходимлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

мактабгача таълим муассасасини бошқаришда муассаса уставида белгиланган тартибда қатнашиш;

ўз касбий шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш.

Педагог ходимлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

33. Педагог ходимлар қуйидагиларга мажбур:

болаларни юқори профессионал даражада ўқитиш ва тарбиялаш;

педагог ахлоқ-одобига риоя қилиш, боланинг кадр-қимматини ҳурмат қилиш, болаларни тазйикдан ҳимоя қилиш, уларни меҳнатга, ота-онага ҳурмат, атроф муҳитга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш;

ўз малакасини белгиланган тартибда, ҳар уч йилда ошириб бориш;

ўзининг касбий кўникмаларини ва педагогик маҳоратини доимий равишда такомиллаштириш.

Педагог ходимлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам олиши мумкин.

34. Мактабгача таълим муассасаси ходимларига иш ҳақи миқдорлари (лавозим маошлари) қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади. Муассаса раҳбари рағбатлантириш тусидаги устамалар, қўшимча ҳақ ҳамда бошқа тўловлар тури ва миқдорларини иш ҳақида йўналтириладиган мавжуд маблағлар доирасида белгилайди.

## VI. Мактабгача таълим муассасасини бошқариш

35. Ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштириш, мактабгача таълимнинг инновация шакллари ривожлантириш мақсадида мактабгача таълим муассасасида Пе-

дагоглар кенгаши фаолият кўрсатади. Педагоглар кенгаши аъзоларини сайлаш тартиби ва унинг ваколатига кирадиган масалалар мактабгача таълим муассасаси уставида белгиланади.

36. Мактабгача таълим муассасасига бевосита раҳбарлик қилиш мудир томонидан амалга оширилади. Мактабгача таълим муассасаси мудирини ишга қабул қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан келишган ҳолда амалга оширилади.

Давлат мактабгача таълим муассасаси мудир билан меҳнат шартномаси бир йил муддатга тузилади.

Мактабгача таълим муассасаси мудир лавозимига қўйиладиган малака талаблари белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланади.

37. Мактабгача таълим муассасаси мудир:

мактабгача таълим муассасаси номидан ишончномасиз фаолият кўрсатади, барча муассаса ва ташкилотларда унинг манфаатларини ифодалайди;

мактабгача таълим муассасаси мол-мулкни ўзига берилган ваколатлар доирасида тасарруф этади;

ишончномалар беради;

банк муассасаларида ҳисоб рақамлари очади;

мактабгача таълим муассасаси ходимларини ишга қабул қилиш ва жой-жойига қўйишни амалга оширади, рағбатлантиради, интизомий жазо чораларини кўради ва улар билан тузилган меҳнат шартномалари (контрактлари)ни тўхтатади;

ўз ваколатлари доирасида буйруқлар (фармойишлар) чиқаради;

мактабгача таълим муассасаларининг ишларини такомиллаштириш, моддий базасини мустаҳкамлаш, ходимларни ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш бўйича таклифларни кўриб чиқиш учун халқ таълимини бошқариш юқори органига киритади;

болалар ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишнинг самарали ташкил этилиши, ўқув-тарбия жараёни, молия-ҳўжалик фаолияти аҳволи, моддий-техник базанинг мустаҳкамланиши ва моддий бойликларнинг сақланиши учун жавоб беради.

## **VII. Мактабгача таълим муассасасининг мол-мулки ва пул маблағлари**

38. Муассис ёки у ваколат берган орган мактабгача таълим муассасасига мол-мулкни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда биркилади.

Мактабгача таълим муассасасига биркирилган мол-мулк унинг тезкор бошқарув ҳукукида бўлади. Мактабгача таълим муассасаси ўзига биркирилган мол-мулкни ва харажатлар сметаси бўйича ўзига ажратилган маблағлар ҳисобига сотиб олинган мол-мулкни қонун ҳужжатларига мувофиқ тасарруф этади.

39. Мактабгача таълим муассасаси ўз мажбуриятлари бўйича ўз тасарруфидаги пул маблағлари билан жавоб беради.

40. Мактабгача таълим муассасаси фаолияти унинг муассиси томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ молиялаштирилади.

Муассислари маҳаллий давлат бошқаруви ва давлат ҳокимияти органлари бўлган давлат мактабгача таълим муассасалари фаолияти давлат бюджети маблағлари ҳисобига молиялаштирилади.

41. Қўйидагилар мактабгача таълим муассасаси мол-мулкни ва молиявий ресурсларини шакллантириш манбалари ҳисобланади:

бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлар;  
бошқа жисмоний ва юридик шахсларнинг ихтиёрий эҳсонлари ҳамда мақсадли бадаллари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

42. Болаларнинг мактабгача таълим муассасасида бўлиши учун тўлов миқдори ва уни тўлаш тартиби қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади. Тўлов белгиланган тартибда банк муассасаларида очилган ҳисоб рақамларига тўланади.

43. Мактабгача таълим муассасасини молиялаштириш тасдиқланган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган харажатлар сметасига мувофиқ амалга оширилади.

Мактабгача таълим муассасасига бюджетдан ташқари қўшимча маблағларнинг жалб этилиши бюджетдан молиялаштиришнинг камайишига олиб келмайди.

44. Мактабгача таълим муассасаси ўз молия-хўжалик фаолиятини бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлар доирасида амалга оширади.

### **VIII. Мактабгача таълим муассасасининг жавобгарлиги**

45. Мактабгача таълим муассасаси:

ўз уставида назарда тутилган функцияларнинг бажарилмаганлиги;  
таълим дастурларининг тўлиқ ҳажмда бажарилмаганлиги, амалга ошириладиган таълим дастурларининг сифати;

таълим жараёнини ташкил этишнинг қўлланаётган шакллари, методлари ва воситаларининг болаларнинг ёш, рухий-физиологик хусусиятларига, қобилиятига, лаёқатига, қизиқишларига ва эҳтиёжларига номувофиқлиги;

муассасада тарбияланаётган болаларнинг таълим жараёни вақтидаги ҳаёти ва соғлиғи учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

### **IX. Якуний қоидалар**

46. Мактабгача таълим муассасасида мактабгача таълим муассасасининг асосий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ташкилотларнинг, шу жумладан сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг ташкил этилишига ва фаолият кўрсатишига йўл қўйилмайди. Давлат мактабгача таълим муассасасидаги таълим дунёвий хусусиятга эга.

47. Мактабгача таълим муассасаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилиши, тугатилиши мумкин.

48. Мактабгача таълим муассасаси тугатилган тақдирда унинг пул маблағлари ва мол-мулкidan, унинг мажбуриятларини қоплаш бўйича тўловлар чегирилган ҳолда, қонун ҳужжатларига ва муассаса уставига мувофиқ фойдаланилади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2007 йил 25 октябрдаги 225-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасида нодавлат мактабгача  
таълим муассасаси тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Мактабгача таълимга қўйиладиган давлат талабларига мувофиқ аҳолига таълим хизматлари кўрсатиш нодавлат мактабгача таълим муассасасининг (кейинги ўринларда «нодавлат мактабгача таълим муассасаси» деб юритилади) асосий фаолияти ҳисобланади.

2. Нодавлат мактабгача таълим муассасаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, шунингдек ушбу Низомга амал қилади.

3. Нодавлат мактабгача таълим муассасасининг устави Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги 5-сон қарори билан тасдиқланган Таълим муассасаси устави ишлаб чиқиш тартибига мувофиқ ишлаб чиқилади, унинг муассиси томонидан тасдиқланади ва тегишли давлат органларида рўйхатдан ўтказилади.

4. Нодавлат мактабгача таълим муассасаси таълим-тарбия ва соғломлаштириш муассасаси ҳисобланади, қуйидагилар унинг асосий вазифалари ҳисобланади:

болаларнинг ҳаётини муҳофаза қилиш ва соғлиғини мустаҳкамлаш;

боланинг шахси асосларини шакллантириш, унинг билимга қизиқишларини ривожлантириш;

боланинг интеллектуал, шахсий ва жисмоний ривожланишини таъминлаш;

боланинг ривожланишидаги нуқсонларни зарур тарзда тузатиш;

болаларни миллий маданият ва умуминсоний қадриятлар билан таништириш;

болаларни мактабда ўқишга тайёрлаш.

**II. Нодавлат мактабгача таълим муассасасини  
ташkil этиш тартиби**

5. Нодавлат мактабгача таълим муассасаси муассаса сифатидаги ташкилий-ҳуқуқий шаклда ташкил этилади ва қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият кўрсатади. Юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан нодавлат мулкчилик шаклидаги юридик ва жисмоний шахслар нодавлат мактабгача таълим муассасасининг муассислари бўлишлари мумкин.

6. Нодавлат мактабгача таълим муассасаси юридик шахс мақомига эга бўлади, мустақил молия-хўжалик фаолиятини амалга оширади, думалоқ муҳрга, бурчакли штампга ва ўз логотипи ёзилган бланкага эга бўлади.

7. Нодавлат мактабгача таълим муассасаси қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибда лицензия олган вақтдан бошлаб таълим фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлади.

Нодавлат мактабгача таълим муассасасини аккредитация қилиш ваколатли давлат органи томонидан, аттестация асосида амалга оширилади.

### **III. Нодавлат мактабгача таълим муассасаси фаолиятини ташкил этиш**

8. Нодавлат мактабгача таълим муассасасида таълим ва тарбия дунёвий хусусиятга эга бўлади.

9. Нодавлат мактабгача таълим муассасасида таълим мазмуни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тавсия қилинган дастурлар билан белгиланади. Муассаса ўз (муаллифлик) дастурларидан фойдаланишга ҳақлидир. Ушбу дастурларни тасдиқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланади.

10. Нодавлат мактабгача таълим муассасасининг иш режими ва болаларнинг у ерда қанча вақт бўлиши муассаса уставида ҳамда муассаса раҳбари (ёхуд муассис) билан ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўртасида тузилган шартномада белгиланади.

11. Нодавлат мактабгача таълим муассасасида болаларни ўқитиш ва тарбиялаш давлат тилида ва «Давлат тили ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ бошқа тилларда олиб борилади.

12. Нодавлат мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиларига тиббий ёрдам кўрсатиш штатдаги ёки соғлиқни сақлаш органларининг шартнома асосида махсус бириктирилган тиббиёт ходимлари томонидан амалга оширилади.

Тиббиёт ходимлари нодавлат мактабгача таълим муассасаси ходимлари билан биргаликда болаларнинг ҳаёти, соғлиғи ва жисмоний ривожланиши, даволаш-профилактика тадбирлари ўтказилиши, санитария-гигиена нормаларига, овқатланиш режими ва сифатига риоя қилиниши учун жавоб берадилар. Нодавлат мактабгача таълим муассасаси ходимларини тиббий кўрикдан ўтказиш шартнома асосида амалга оширилади.

13. Нодавлат мактабгача таълим муассасасида болаларнинг овқатланиши Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган тиббиёт, санитария-гигиена нормалари ва талаблари асосида амалга оширилади.

14. Нодавлат мактабгача таълим муассасаси таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида шартнома асосида ўз фаолиятини умумий ўрта таълим муассасалари билан биргаликда амалга ошириши мумкин.

### **IV. Нодавлат мактабгача таълим муассасасини бутлаш**

15. Нодавлат мактабгача таълим муассасасига болалар 2 ёшдан бошлаб 6-7 ёшгача, тегишли тиббий хулоса ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинади.

Нодавлат мактабгача таълим муассасасига болаларни қабул қилиш ва уларнинг чиқиб кетиши тартиби нодавлат мактабгача таълим муассасасининг устави билан белгиланади.

16. Нодавлат муассасаси гуруҳларидаги болалар сони давлат мактабгача таълим муассасалари учун белгиланган сондан ортиқ бўлмаслиги керак.

17. Махсус педагогик маълумотли шахслар нодавлат мактабгача таълим муассасасида педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эгадир. Суд томонидан ёки тиббий хулосага мувофиқ бундай фаолиятбилан шуғулланиши тақиқланган шахслар педагогик фаолиятга қўйилмайдилар.



18. Нодавлат мактабгача таълим муассасаси раҳбари белгиланган тартибда педагог кадрлар малакасини оширишни ва уларни қайта тайёрлашни таъминлайди, уларнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилади, илғор педагогик ва ахборот технологиялари, муаллифлик дастурлари, методик қўлланмалар ва дидактик материаллар жорий этилиши учун шарт-шароитлар яратади.

19. Нодавлат мактабгача таълим муассасасининг педагоглари ва бошқа ходимлари билан меҳнат шартномалари тузиш ва уларни бекор қилиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

#### **V. Таълим жараёни қатнашчилари**

20. Нодавлат мактабгача таълим муассасасида болалар, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ва педагог ходимлар таълим жараёнининг қатнашчилари ҳисобланади.

Нодавлат мактабгача таълим муассасасида васийлик кенгашлари ташкил этилади, уларни сайлаш тартиби ва уларнинг ваколатлари мактабгача таълим муассасаларининг уставларида белгиланади.

Болаларни қабул қилишда нодавлат мактабгача таълим муассасаси ота-оналарни ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни муассасанинг устави ва унинг фаолиятини тартибга соладиган бошқа ҳужжатлар билан таништириши шарт.

21. Нодавлат мактабгача таълим муассасаси билан ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўртасидаги ўзаро муносабатлар нодавлат мактабгача таълим муассасасининг устави ва шартнома билан тартибга солинади. Шартнома ўқитиш, тарбиялаш, қараб туриш ва парвариш қилиш жараёнида пайдо бўладиган томонларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини ўз ичига олади.

22. Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар:

ўз болалари учун ўқитиш ва тарбиялашнинг шакллари, болалар мактабгача таълим муассасалари типини ва таълим бериш тилини танлаш;

болалар мактабгача таълим муассасаси маъмуриятидан мактабгача таълим муассасасининг уставига мувофиқ бўлган зарур шарт-шароитлар яратилишини талаб қилиш;

боланинг шахсига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишни талаб қилиш; болаларнинг болалар мактабгача таълим муассасасида ҳаёт кечиришини ташкил этишда фаол иштирок этиш;

режим доирасида улар учун қулай бўлган исталган вақтда болаларни мактабгача таълим муассасасига олиб келиш ва ундан олиб кетиш ҳуқуқига эга.

Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар қонун ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

23. Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар қуйидагиларга мажбур:

болаларнинг жисмоний ва психик жиҳатдан соғлом бўлиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш;

боланинг кадр-қимматига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, унда меҳнатсеварлик, эзгулик, меҳр-шафқат фазилатларини, ўзидан катта ёшдагиларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш туйғуларини тарбиялаш;

белгиланган нормативларга мувофиқ болалар боғчасида боланинг таъминотига тўловни ўз вақтида тўлаш;

болаларни оилада тарбиялаш учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш;

болаларнинг тўлақонли овқатланишини, уларда шахсий гигиена қўникмалари

шакллантирилишини қатъий кузатиб бориш, болани мактабгача таълим муассасасига озода кийинган ҳолда олиб келиш.

Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар қонун ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам олишлари мумкин.

24. Мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиси ва ходими ўртасидаги муносабатлар ўзаро ҳамкорлик, боланинг шахсини ҳурмат қилиш ва унга шахсий хусусиятларига мувофиқ ривожланиши учун эркинлик бериш асосида олиб борилади.

Мактабгача таълим муассасасида ўқув йили ҳар йили 2 сентябрдан бошланади, кейинги йилнинг 1 июнида тугалланади ва янги ўқув йили бошлангунга қадар соғломлаштириш даври бошланади.

#### **VI. Нодавлат мактабгача таълим муассасасини бошқариш ва унинг фаолиятини назорат қилиш**

25. Нодавлат мактабгача таълим муассасасини Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан келишган ҳолда муассис томонидан тайинладиган шахс бошқаради.

Нодавлат мактабгача таълим муассасаси раҳбари давлат мактабгача таълим муассасаси мудири лавозимига қўйиладиган малака талабларига мувофиқ бўлиши керак.

26. Нодавлат мактабгача таълим муассасаси фаолиятини назорат қилиш муассис томонидан, шунингдек ваколатлар доирасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади.

27. Мактабгача таълимга қўйиладиган давлат талаблари ва ўқитиш дастурларининг нодавлат мактабгача таълим муассасалари томонидан бажарилишини назорат қилишни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги амалга оширади.

28. Нодавлат мактабгача таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш, уларнинг фаолиятини тўхтатиб туриш ва тўхтатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

#### **VII. Нодавлат мактабгача таълим муассасасининг мол-мулки ва пул маблағлари**

29. Муассис ёки у ваколат берган орган мактабгача таълим муассасасига мол-мулкни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда биркилади.

Мактабгача таълим муассасасига биркирилган мол-мулк унинг тезкор бошқарув ҳуқуқида бўлади. Мактабгача таълим муассасаси ўзига биркирилган мол-мулкни ва ўзига ажратилган маблағлар ҳисобига сотиб олинган мол-мулкни қонун ҳужжатларига мувофиқ тасарруф этади.

30. Мактабгача таълим муассасаси ўз мажбуриятлари бўйича ўз тасарруфидаги пул маблағлари билан жавоб беради.

31. Мактабгача таълим муассасаси фаолияти унинг муассиси томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ молиялаштирилади.

32. Қуйидагилар мактабгача таълим муассасаси мол-мулкни ва молиявий ресурсларини шакллантириш манбалари ҳисобланади:

муассиснинг маблағлари;

бошқа жисмоний ва юридик шахсларнинг ихтиёрий эҳсонлари ҳамда мақсадли бадаллари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

33. Нодавлат мактабгача таълим муассасасини моддий-техник таъминлаш муассислар томонидан давлат мактабгача таълим муассасалари учун Ўзбекистон Республикасида амал қиладиган нормалардан паст бўлмаган миқдорларда амалга оширилади.

34. Нодавлат мактабгача таълим муассасаси шартнома асосида бошқа таълим муассасаларига пулли хизматлар кўрсатиши, хоналарни ва тегишли асбоб-ускуналарни ижарага бериши мумкин.

35. Нодавлат мактабгача таълим муассасасида болаларга таълим-тарбия берилганлиги учун ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг тўлови миқдори шартномада белгиланади ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўланади.

### **VIII. Нодавлат мактабгача таълим муассасасининг жавобгарлиги**

36. Мактабгача таълим муассасаси:

ўз Уставида назарда тутилган функцияларнинг бажарилмаганлиги;

таълим дастурларининг тўлиқ ҳажмда бажарилмаганлиги, амалга оширилаётган таълим дастурларининг сифати;

таълим жараёнини ташкил этишнинг қўлланаётган шакллари, методлари ва воситаларининг болаларнинг ёш, психофизиологик хусусиятларига, қобилиятига, лаёқати, қизиқишларига ва эҳтиёжларига номувофиқлиги;

муассасада тарбияланаётган болаларнинг таълим жараёни вақтидаги ҳаёти ва соғлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

### **IX. Яқуний қоидалар**

37. Нодавлат мактабгача таълим муассасасида мактабгача таълим муассасасининг асосий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ташкилотларнинг, шу жумладан сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг ташкил этилишига ва фаолият кўрсатишига йўл қўйилмайди.

38. Нодавлат мактабгача таълим муассасаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилиши, тугатилиши мумкин.

39. Нодавлат мактабгача таълим муассасаси тугатилган тақдирда унинг пул маблағлари ва мол-мулкidan, унинг мажбуриятларини қоплаш бўйича тўловлар чегирилган ҳолда, қонун ҳужжатларига ва муассаса уставига мувофиқ фойдаланилади.

40. Нодавлат мактабгача таълим муассасаларининг халқаро ҳамкорлиги, педагогик ахборот ва тажрибани айирбошлаш, педагог кадрларнинг амалиётни ўташи ва уларнинг малакасини ошириш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2007 йил 25 октябрдаги 225-сон қарорига  
3-ИЛОВА

## Қисқа муддатли гуруҳлар тўғрисида НИЗОМ

### I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом мактабгача таълим муассасаларига (кейинги ўринларда матнда «мактабгача муассасалар» деб юритилади) қатнамайдиган мактабгача ёшдаги болаларнинг қисқа муддатли (4-5 соат) гуруҳлари фаолиятини тартибга солиш учун йўналтирилган.

2. Мактабгача муассасалар негизида ташкил этиладиган қисқа муддатли гуруҳларнинг мақсади мактабгача муассасаларга қатнамайдиган болаларни ҳар томонлама ривожлантиришни таъминлаш, уларда мактаб таълимига тайёргарлик асосларини шакллантириш ҳисобланади.

3. Мактабгача муассасада қуйидаги қисқа муддатли гуруҳлар фаолият кўрса-тиши мумкин:

3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар сони 20 нафардан кам бўлмаган, бироқ 25 нафардан ортиқ бўлмаган болалар учун — «Ривожлантириш гуруҳи». Гуруҳ болаларни ҳар томонлама ривожлантириш, уларни тенгдошлар ва катта ёшли болалар жамоасига мослаштириш мақсадида ташкил этилади;

5 ёшдан 6 ёшгача бўлган болалар сони 20 нафардан кам бўлмаган, бироқ 25 нафардан ортиқ бўлмаган болалар учун — «Келажакдаги ўқувчи» гуруҳи. Гуруҳ мактабгача катта ёшдаги болаларни таълим муассасасида умумий ўрта таълимга ўқитишга тайёрлаш мақсадида ташкил этилади;

ўқитиш ўз она тилида олиб борилмайдиган болалар учун болалар сони 20 нафардан кам бўлмаган, бироқ 25 нафардан ортиқ бўлмаган гуруҳ;

2 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар сони 15 нафардан кам бўлмаган, бироқ 20 нафардан ортиқ бўлмаган болалар учун — «Интеграллашган гуруҳ». Гуруҳда соғлом болалар билан биргаликда, шунингдек «руҳий ривожланиши суст» ташхисли болалар ҳам («руҳий ривожланиши суст» ташхисли болалар сони 3 нафардан ортиқ бўлмаслиги лозим) қатнашади. Гуруҳ болаларни жамиятга мослаштириш, ривожланишида руҳий нуқсони бўлган болаларга мунтазам равишда руҳий-тиббий-педагогик ёрдам кўрсатиш, уларни тарбиялаш ва ўқитиш, ота-оналарни консультатив-методик қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилади. Болаларни ўқитиш яқка тартибдаги режа бўйича амалга оширилади. Бемор болалар билан ишлаганлиги учун тарбиячи ва тарбиячининг ёрдамчисига қўшимча ҳақ берилмайди;

4 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар сони 15 нафардан кам бўлмаган, бироқ 20 нафардан ортиқ бўлмаган ногирон болалар учун — «Муаммоли бола» гуруҳи. Гуруҳ ногирон болаларга мунтазам равишда руҳий-тиббий-педагогик ёрдам кўрсатиш, болаларни таълим жараёнига жалб этиш, ижтимоий мослаштириш, болаларни тарбиялаш ва ўқитишни ташкил этишда ота-оналарга ёрдам бериш мақсадида ташкил этилади. Мазкур гуруҳда ногирон болалар билан биргаликда соғлом болалар ҳам бўлиши мумкин. Ногирон болалар (ақлий етуклиги сақланган) сони 3 нафардан кам бўлмаслиги лозим. Ногирон болалар билан ишлаганлиги учун тарбиячи ва тарбиячининг ёрдамчисига қўшимча ҳақ берилмайди.

4. Қисқа муддатли гуруҳлардаги болаларга қараганлиги учун тўлов ота-оналар

(ёки уларни ўрнини босувчи шахслар) томонидан, шунингдек хайр-эхсон қилувчилар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Тўловлар банк муассасаларида очилган ҳисоб рақамларига тўланади.

5. Таркибида қисқа муддатли гуруҳ мавжуд бўлган мактабгача таълим муассасаси таълим жараёни вақтида болалар, гуруҳ ходимлари ҳаёти ва соғлиғи учун, уни ташкил этиш шакллари, методлари ва воситаларининг болаларнинг ёши ва рухий-физиологик имкониятларига мувофиқлиги учун жавоб беради.

## II. Қисқа муддатли гуруҳларни ташкил этиш тартиби

6. Мактабгача ёшдаги болалар учун мактабгача таълим муассасаларида зарур моддий-техника шароитлари ва кадрлар таъминоти (ажратилган маблағлар доирасида) мавжуд бўлганда ҳар қандай турдаги қисқа муддатли гуруҳлар ташкил этилади. Бинолар педагогика ва санитария-гигиена талабларига, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига жавоб бериши лозим.

7. Мактабгача муассасада қисқа муддатли гуруҳлар сони тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси томонидан, санитария нормаларини ҳисобга олган ҳолда, аҳолининг эҳтиёжига ҳамда таълим жараёнини таъминлаш учун яратилган шарт-шароитларга қараб белгиланади.

8. Қисқа муддатли гуруҳлар туман (шаҳар) халқ таълими бўлими буйруғи билан ташкил этилади.

9. Қисқа муддатли гуруҳлар очиш учун қуйидагилар зарур:

ота-оналар (уларни ўрнини босувчи шахслар) билан шартнома;

штатлар жадвали;

кун режими ва болаларнинг ҳаёт фаолиятини ташкил этиш тартиби;

болалар рўйхати;

таълим дастури.

10. Қисқа муддатли гуруҳларни тўлдириш бир хил ёшдаги болалар ҳамда турли ёшдаги болалар принципи бўйича амалга оширилади.

11. Қисқа муддатли гуруҳларга болаларни қабул қилиш ота-оналар аризаси, боланинг соғлиғи тўғрисидаги тиббий хулоса асосида амалга оширилади.

12. Қисқа муддатли гуруҳларни тўлдиришда танлов асосида ҳамда тест синови бўйича қабул қилишга йўл қўйилмайди.

13. Қисқа муддатли гуруҳлар мавжуд бўлган таълим муассасаси ва ота-оналар ўртасидаги муносабатлар ҳудудий халқ таълими бошқармасида ҳисоби юритилади-ган, белгиланган тартибда тузилган шартнома билан тартибга солинади.

14. Қисқа муддатли гуруҳлар, гуруҳларнинг иш тартибига боғлиқ ҳолда, тарбияланувчиларни кунига бир марта (эрталабки ёки тушқи нонушта) таомнома ва мактабгача таълим муассасалари учун овқатланиш пул нормаси бўйича овқатланишини ташкил этган ҳолда фаолият юритади.

15. Мактабгача таълим муассасаси штатлар жадвали, ушбу Низом билан кири-тиладиган қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда, Мактабгача таълим муассасаларининг намунавий штатлар жадвали асосида кўриб чиқилади ва тасдиқланади ҳамда тегишли молия органида мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Қисқа муддатли гуруҳлар учун қуйидаги штат бирликлари белгиланади:

битта гуруҳ учун — 0,5 бирлик тарбиячи;

битта гуруҳ учун — 0,25 бирлик тарбиячи ёрдамчиси;

иккита гуруҳ учун — 0,25 бирлик тиббий ҳамшира;

иккита гуруҳ учун — 0,25 бирлик мусика раҳбари.

16. Қисқа муддатли гуруҳларнинг қуйидаги турлари учун:

«Келажакдаги ўқувчи» гуруҳи — битта гуруҳ ҳисобига — 0,25 бирлик ўқитувчи-логопед;

«Интеграллашган гуруҳ» — битта гуруҳ учун (15—20 нафар болалар, шундан рухий ривожланиши суст ташхисли — 3—5 нафар болалар) — 0,25 бирлик ўқитувчи-дефектолог;

«Муаммоли бола» гуруҳи — битта гуруҳ ҳисобига (15—20 нафар болалар, шундан 3—5 нафар ногирон болалар) — 0,25 бирлик ўқитувчи-логопед ёки 0,25 бирлик ўқитувчи дефектолог қўшимча штат бирликлари белгиланади.

### III. Таълим жараёнини ташкил этиш

17. Қисқа муддатли гуруҳларда таълим жараёни шакли мактабгача таълим муассасасининг таълим дастурларида белгиланади.

18. Қисқа муддатли гуруҳларда таълим жараёни боланинг алоҳида, шахсан йўналтирилган ривожланишини таъминлайдиган тез мослашувчан шакл ва педагогик технологияни ўз ичига олади.

19. Тарбиявий ишларни ташкил қилиш болаларнинг имкониятлари, қизиқишлари, эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда фаолиятнинг ҳар хил турларини ривожлантириш учун шароитлар яратишни назарда тутди.

20. Қисқа муддатли гуруҳларда белгиланган тартибда ота-оналар ҳисобидан, асосий фаолиятдан ташқари, қўшимча таълим хизматлари ташкил этишга йўл қўйилади.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **432 Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги соғлиқни сақлаш тизими раҳбар ходимларини аттестациядан ўтказиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 2 октябрдаги ПҚ-700-сон қарорини бажариш юзасидан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг ҳудудий органлари кадрлар таркибини юқори малакали мутахассислар билан мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги соғлиқни сақлаш тизими раҳбар ходимларини аттестациядан ўтказиш комиссияси тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси

Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С. Қосимов ва Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 25 октябрь,  
227-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2007 йил 25 октябрдаги 227-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги  
хузуридаги соғлиқни сақлаш тизими раҳбар ходимларини  
аттестациядан ўтказиш комиссияси тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 2 октябрдаги ПК-700-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги соғлиқни сақлаш тизими раҳбар ходимларини аттестациядан ўтказиш комиссияси (кейинги ўринларда аттестация комиссияси деб аталади) фаолиятини тартибга солади, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизими раҳбар ходимларини эгаллаб турган лавозимига муносиблиги юзасидан аттестациядан ўтказиш тартибини, шунингдек соғлиқни сақлаш тизими раҳбар ходимларининг аттестациядан ўтказиладиган лавозимлари рўйхатини белгилайди.

2. Аттестация комиссияси ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширади.

Аттестация комиссиясининг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан тасдиқланади.

Аттестация комиссияси аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда уларнинг лавозимига янгидан тайинланган ёхуд тегишли вазифаларни бажариш зиммасига юкланган шахслар аттестация комиссияси таркибига киритилади.

3. Қуйидагилар аттестация комиссиясининг асосий вазифалари ҳисобланади: соғлиқни сақлаш тизимининг раҳбар ходимларини ҳар йили аттестациядан ўтказиб туриш, жумладан, уларнинг касбий тайёргарлик ва малака даражаси бўйича эгаллаб турган лавозимига муносиблигини баҳолаш;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг ҳудудий органлари кадрлар таркибини юқори малакали мутахассислар билан мустаҳкамлаш бўйича таклифлар киритиш;

соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғини ва бошқарув органлари раҳбарларининг малакаси ҳамда касбий тайёргарлиги даражасини доимий равишда ошириб бориш тизимини яратиш бўйича таклифлар тайёрлаш.

4. Аттестация комиссияси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фар-

мойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек ушбу Низомга амал қилади.

## II. Аттестация комиссиясининг фаолияти

5. Аттестация комиссиясини раис бошқаради. Аттестация комиссияси раиси бўлмаган тақдирда аттестация комиссиясини аттестация комиссияси раисининг ўринбосари бошқаради.

6. Аттестация комиссияси раиси аттестация ўтказиладиган жой ва муддатларни, аттестациядан ўтказиладиганларнинг таркибий рўйхатини ҳамда соғлиқни сақлаш тизими раҳбар ходимларини аттестациядан ўтказишга доир бошқа ташкилий масалаларни белгилайди.

7. Аттестация комиссияси фаолиятини таъминлаш учун Котибият тузилади. Котибият таркиби аттестация комиссияси қарори билан тасдиқланади. Котибиятни аттестация комиссияси аъзоларидан бири бошқаради.

8. Аттестация комиссияси котибияти:

аттестацияни ўтказиш жадвалини тузади ва уни тасдиқлаш учун аттестация комиссияси раисига тақдим этади;

аттестация комиссияси фаолияти бўйича буйруқлар ва фармойишлар лойиҳаларини тайёрлайди;

аттестациядан ўтказиладиганларнинг шахсий йиғмажилдларини шакллантиради ва тайёрлайди;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг аттестацияга тааллуқли буйруқлари ва фармойишларини аттестация комиссияси аъзоларига ҳамда аттестациядан ўтказиладиганларга етказди.

9. Аттестация комиссияси аъзолари аттестация комиссияси мажлисларини тайёрлаш ва ўтказишда қатнашадилар, зарурат бўлганда аттестациядан ўтказиладиганлар фаолиятига тааллуқли қўшимча материаллар ва ҳужжатларни талаб қилиб олиш ҳуқуқига эгадирлар, аттестация варақасини ва аттестация протоколини имзолайдилар.

10. Комиссия мажлислари аттестация комиссияси раиси тасдиқлаган жадвал бўйича, лекин ҳар чоракда камида бир марта ўтказилади.

## III. Аттестациядан ўтказиладиган шахслар ва уни ўтказиш муддатлари

11. Соғлиқни сақлаш тизимининг аттестациядан ўтказиладиган раҳбар ходимлари лавозимлари рўйхати ушбу Низомга 1-иловада келтирилган. Аттестация ҳар йили ўтказилади.

12. Ўриндошлик шартларида ишлаётган ходимлар аттестациядан умумий асосларда ўтказилади.

Қуйидагилар:

тегишли лавозимда бир йилдан кам ишлаган шахслар;

хомиладор аёллар, шунингдек болани уч ёшгача парвариш қилиш бўйича таътилда бўлган аёллар аттестациядан ўтказилмайди.

Кўрсатиб ўтилган аёлларни аттестациядан ўтказишга улар ишга чиққандан сўнг бир йилдан кейин йўл қўйилади.



**IV. Аттестациядан ўтказиш талаблари**

13. Аттестация ўтказилиши тўғрисидаги буйруқ унинг ўтказилиш кунидан камида 10 кун олдин аттестациядан ўтказилувчиларга етказилади.

14. Аттестация комиссиясига ҳар бир аттестациядан ўтказилувчи учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

маълумотнома;

маълумоти ва илмий унвони тўғрисидаги ҳужжатлар нусхалари;

малака ошириш тўғрисидаги гувоҳнома (сертификат)лар нусхалари;

ўтган йилда амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисобот;

маълумотнома-тавсифномалар:

республика даражасидаги раҳбарлар учун — Соғлиқни сақлаш вазирининг мутасадди ўринбосаридан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг назорат инспекциясидан;

вилоят даражасидаги раҳбарлар учун — Соғлиқни сақлаш вазирининг мутасадди ўринбосаридан, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисидан ёки вилоят (Тошкент шаҳар) ҳокимидан, соҳа бўйича Республика ихтисослаштирилган тиббиёт маркази раҳбаридан;

туман даражасидаги раҳбарлар учун — Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазиридан, вилоят (Тошкент шаҳар) соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғидан, соҳа бўйича Республика ихтисослаштирилган тиббиёт маркази раҳбаридан.

Аттестация комиссияси аттестациядан ўтказилувчининг меҳнат фаолияти тўғрисида қўшимча маълумотлар сўраб олиш ҳуқуқига эга.

15. Аттестациядан ўтказиш талаблари қуйидагилар тўғрисидаги ҳолисона баҳодан иборат бўлади:

раҳбарларнинг касбий сифатлари ва уларнинг ўзи бошқараётган ташкилотда соғлиқни сақлаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш якунлари бўйича фаолиятининг якуний натижалари;

лавозим вазифалари, режалар ва дастурларга мувофиқ раҳбар фаолиятининг аниқ натижалари;

тиббий ёрдам кўрсатиш даражаси ва сифатига нисбатан талабларнинг таъминланиши ҳамда унга юкланган ишларда фуқаролар соғлиғини муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши;

тиббиёт кадрларини танлаш, жой-жойига қўйиш ва улар билан иш олиб бориш сифати;

моддий ресурсларни бошқариш самарадорлиги;

илғор ахборот технологияларининг, замонавий илмий, ўқув ва ўқув-методик адабиётларнинг даволаш жараёнига жорий этилиши;

даволаш жараёнининг таълим ва илм-фан билан интеграциясини ривожлантириш;

амалдаги қонун ҳужжатлари, маънавият ва маърифат масалалари бўйича билимларга эғалик;

халқаро ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши ва ривожлантирилиши.

**V. Аттестацияни ўтказиш тартиби**

16. Аттестация комиссияси мажлиси аттестациядан ўтказилаётган ходим иш-тироқида ўтказилади.

Аттестацияга узрли сабаб билан келмаган шахслар аттестация комиссиясининг кейинги навбатдаги мажлиси вақтида аттестациядан ўтишлари керак.

Аттестацияга узрсиз сабаб билан келмаган шахслар огоҳлантирилади. Аттестацияга узрсиз сабаб билан такроран келмаган тақдирда аттестация комиссияси тақдим этилган ҳужжатлар (материаллар) асосида аттестациядан ўтказилувчининг эгаллаб турган лавозимига муносиб эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

17. Аттестация комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни (материалларни) кўриб чиқади, шундан кейин аттестацияни ўтказди.

18. Аттестацияни холисона ўтказиш мақсадида аттестация комиссияси:

аттестациядан ўтказиладиган ходимга унинг функционал вазифалари билан боғлиқ бўлган саволларни беради;

аттестациядан ўтказилувчи томонидан тақдим этилган унинг хизмат фаолияти тўғрисидаги қўшимча маълумотларни кўриб чиқади.

19. Аттестация комиссияси мажлиси, агар унда комиссия аъзоларининг камида 2/3 қисми қатнашса, қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

20. Аттестация ўтказиш давомида аттестациянинг стенограммаси ёки аудио-видео ёзуви юритилади ва унинг натижалари муҳокама қилинади.

## VI. Аттестация натижалари

21. Ходимнинг касбий сифатларини баҳолаш тўғрисидаги қарор, шунингдек аттестация комиссиясининг тавсиялари аттестациядан ўтказилувчининг иштироки-сиз, оддий овоз бериш йўли билан, аттестация комиссиясининг мажлисда қатнаш-ган аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда аттестация комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

22. Аттестация натижалари бўйича аттестация комиссияси қуйидаги баҳолардан бирини қабул қилади:

эгаллаб турган лавозимига муносиб;

6 ойдан кейин такрорий аттестация ўтказган ҳолда, аттестация комиссияси-нинг тавсиялари бажарилиши шарти билан эгаллаб турган лавозимига муносиб;

эгаллаб турган лавозимига муносиб эмас.

23. Ходим тўғрисидаги маълумотлар, аттестациядан ўтказилувчига берилган саволлар ва уларга берилган жавоблар, аттестация комиссияси аъзолари ва ходим томонидан билдирилган таклиф ва мулоҳазалар, овоз бериш натижалари бўйича ходим фаолиятига берилган баҳо, шунингдек аттестация комиссиясининг тавсияла-ри ва уларни бажариш муддатлари аттестациядан ўтадиган ҳар бир ходимга рас-мийлаштириладиган аттестация варақасида (ушбу Низомга 2-илова) акс эттирила-ди.

Аттестация варақаси аттестация комиссияси раиси, котиби ва унинг мажлиси-да иштирок этган комиссия аъзолари томонидан имзоланади.

24. Аттестация натижалари ходимга аттестация комиссияси мажлиси тугаши биланок эълон қилинади ва протокол билан расмийлаштирилади (ушбу Низомга 3-илова).

25. Аттестация натижаларига кўра, ўн иш кунидан кечикмай Ўзбекистон Рес-публикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи чиқарилади.

26. Аттестация натижалари бўйича эгаллаб турган лавозимига муносиб эмас деб эътироф этилган ходимга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси-да белгиланган тартибда қарор қабул қилинади.

27. Соғлиқни сақлаш тизими раҳбар ходимларини аттестациядан ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига қопланади.

### **VII. Аттестация натижалари бўйича низоларни ҳал этиш**

28. Аттестация натижалари бўйича низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

Низомга  
1-ИЛОВА

### **Соғлиқни сақлаш тизимининг аттестациядан ўтказиладиган раҳбар ходимлари лавозимлари рўйхати**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Бош бошқармалари, бошқармалари ва бўлимлари бошлиқлари

Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари

Вилоятлар кўп тармоқли тиббиёт марказларининг бош врачлари

Вилоятлар болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларининг бош врачлари

Вилоятлар тиббий диагностика марказларининг бош врачлари

Туманлар (шаҳарлар) тиббиёт бирлашмаларининг бош врачлари

Вилоятлар давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари, Қорақалпоғистон Республикаси давлат санитария-эпидемиология назорати Республика маркази ва Тошкент шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош врачлари

Республика шошилинч тиббий ёрдам марказининг директори ва унинг ўринбосарлари

Республика шошилинч тиббий ёрдам маркази филиалларининг директорлари

Республика даволаш-профилактика муассасаларининг бош врачлари

Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларининг раҳбарлари

Илмий-тадқиқот институтлари ва Саломатлик ва тиббий статистика институтининг директорлари

Олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари клиникаларининг бош врачлари

Давлат санитария-эпидемиология назорати Республика марказининг бош врачлари

ОИТСга қарши курашиш Республика марказининг директори

Республика тиббиёт марказлари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари

Низомга  
2-ИЛОВА

## Аттестация варақаси

1. Фамилияси, исми, отасининг исми \_\_\_\_\_
2. Туғилган йили (санаси) \_\_\_\_\_
3. Маълумоти \_\_\_\_\_  
(качон, қайси ОЎЮни, факультетни тугатган)
4. Мутахассислиги \_\_\_\_\_  
(диплом бўйича мутахассислиги, ихтисоси)
5. Илмий даражаси, унвони \_\_\_\_\_
6. Малакасини ошириш: \_\_\_\_\_
7. Эгаллаб турган лавозими: \_\_\_\_\_
8. Умумий стажи \_\_\_\_\_, шу жумладан раҳбарлик лавозимида \_\_\_\_\_
9. Бошқа маълумотлар: \_\_\_\_\_
10. Аттестациядан ўтувчига берилган саволлар ва унинг жавоблари: \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_
11. Аттестациядан ўтувчининг эътирозлари ва таклифлари: \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_
12. Аттестациядан ўтувчи фаолиятининг баҳоси: \_\_\_\_\_
13. Овоз бериш натижалари: ёқлаганлар \_\_\_\_\_ қаршилар \_\_\_\_\_  
бетарафлар \_\_\_\_\_.
14. Аттестация комиссиясининг тавсиялари: \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_
15. Аттестация ўтказилган сана: \_\_\_\_\_
16. Ўтказилган аттестация натижалари бўйича қарор \_\_\_\_\_

## Аттестация комиссияси

раиси

## Аттестация комиссияси

раисининг ўринбосари

Аттестация комиссияси  
котиби  
Аттестация комиссияси  
аъзолари

---



---



---



---



---

Аттестация варақаси билан танишдим: \_\_\_\_\_  
(сана ва аттестациядан ўтувчининг имзоси)

Низомга  
З-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги  
хузуридаги соғлиқни сақлаш тизими раҳбар ходимларини  
аттестациядан ўтказиш комиссиясининг  
-сон протоколи**

Тошкент шаҳри 200\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_

+

Аттестация комиссияси раиси Ф.И.О.  
Аттестация комиссияси раисининг ўринбосари Ф.И.О.  
Аттестация комиссияси котиби Ф.И.О.

-

**Аттестация комиссияси аъзолари:**

Аттестация комиссияси 200\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_даги мажлис якунлари бўйича

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

| т/р | Фамилияси, исми,<br>отасининг исми | Ташкилот<br>ёки<br>муассаса | Илмий<br>даражаси,<br>унвони, тоифаси | Лавозими | Аттестация<br>комиссиясининг<br>хулосаси |
|-----|------------------------------------|-----------------------------|---------------------------------------|----------|------------------------------------------|
|     |                                    |                             |                                       |          |                                          |
|     |                                    |                             |                                       |          |                                          |
|     |                                    |                             |                                       |          |                                          |
|     |                                    |                             |                                       |          |                                          |
|     |                                    |                             |                                       |          |                                          |
|     |                                    |                             |                                       |          |                                          |
|     |                                    |                             |                                       |          |                                          |

Аттестация комиссияси раиси \_\_\_\_\_  
Аттестация комиссияси котиби \_\_\_\_\_

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ ВА ДАРЁ ТРАНСПОРТИ  
АГЕНТЛИГИ БОШЛИҒИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**433** Йўловчилар ва юкларни автомобиль транспортида ташиш билан шуғулланаётган юридик шахсларнинг ходимларига ва юкларни автомобиль транспортида ташиш билан шуғулланаётган хусусий тадбиркорларга қўйиладиган малакавий талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартишлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил  
20 октябрда 1626-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2007 йил 30 октябрдан кучга киради)*

— Йўловчилар ва юкларни автомобиль транспортида ташиш билан шуғулланаётган юридик шахсларнинг ходимларига ва юкларни автомобиль транспортида ташиш билан шуғулланаётган хусусий тадбиркорларга қўйиладиган малакавий талаблар тартибини такомиллаштириш мақсадида **буюраман:** +

1. «Йўловчилар ва юкларни автомобиль транспортида ташиш билан шуғулланаётган юридик шахсларнинг ходимларига ва юкларни автомобиль транспортида ташиш билан шуғулланаётган хусусий тадбиркорларга қўйиладиган малакавий талаблар тўғрисидаги низом»га (2006 йил 5 октябрь, рўйхат рақами 1626) иловага\* мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киритилсин.

**Ўзбекистон автомобиль ва  
дарё транспорти агентлиги бошлиғи**

**А. АБДУВАЛИЕВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 12 октябрь,  
126-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

## 434 Дон нархлари ўртасидаги фарқни тартибга солиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил  
20 октябрда 1729-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2007 йил 30 октябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 31 декабрдаги «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўйича ҳисоб-китоблар учун Фонд ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ–2165-сон Фармонида мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Илова қилинаётган Дон нархлари ўртасидаги фарқни тартибга солиш тўғрисидаги низом тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

+

**Молия вазири****Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 10 сентябрь,  
83-сон

**Иқтисодиёт вазири****Б. ХОДЖАЕВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 10 сентябрь,  
28-сон

**Давлат солиқ  
қўмитаси раиси****Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 10 сентябрь,  
2007-51-сон

—

Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги,  
Давлат солиқ қўмитасининг  
2007 йил 10 сентябрдаги  
83, 28, 2007-51-сон қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

### **Дон нархлари ўртасидаги фарқни тартибга солиш тўғрисидаги НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 31 декабрдаги «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўйича ҳисоб-китоблар учун Фонд ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-2165-сон Фармониға мувофиқ дон нархлари ўртасидаги фарқни тартибга солишни белгилайди.

#### **I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом давлат эҳтиёжлари учун дон харид қилиш, сақлаш, қайта ишлаш ҳамда сотиш фаолиятини амалга оширувчи, «Ўздонмахсулот» таркибига кирувчи барча хўжалик юритувчи субъектларга, жумладан дон қабул қилиш корхоналари, элеваторлар, тегирмонлар, ёрма, омихта ем ва уруғни қайта ишлаш корхоналари ва бошқа дон маҳсулотлари корхоналари (кейинги ўринларда — корхоналар)га татбиқ этилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги белгиланган тартибда:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда «Ўздонмахсулот» акциядорлик компанияси билан келишилган ҳолда дон экинларининг прејскурант харид нархини белгилайди ва тасдиқлайди;

«Ўздонмахсулот» акциядорлик компанияси билан биргаликда дон экинларининг ўртача харид нархидан ва қайта ишлаш корхоналарининг харажатларидан келиб чиқиб дон, қўшимча маҳсулотлар ва донни дастлабки қайта ишлашдан ҳосил бўладиган чиқиндиларнинг эркин улгуржи-сотиш нархини ва давлат ресурсидаги уннинг улгуржи-сотиш ҳамда ундан пишириладиган қолиппи нон чакана нархининг чегараланган даражасини белгилайди.

3. Дон ва дон маҳсулотлари қолдиғи ва ҳаракати, шунингдек моддий жавобгар шахслар фаолияти устидан ишончли назоратни ўрнатиш мақсадида, корхона уларнинг қийматини улгуржи-сотиш нархида ҳисобга олиб боради.

#### **II. Нархлар ўртасидаги фарқлардан маблағларни ташкил этиш ва фойдаланиш тартиби**

4. Давлат эҳтиёжлари учун дон сотиб олишда доннинг харид (прејскурант ёки шартнома) ва улгуржи-сотиш нархлари ўртасида ижобий ёки салбий фарқ юзага келади.

5. Дон нархлари ўртасидаги фарқ (ижобий ёки салбий) дон, қўшимча маҳсулотлар ва донни дастлабки қайта ишлашдан ҳосил бўладиган чиқиндиларнинг улгуржи-сотиш нархларини қайта кўриб чиқилиши натижасида, «Ўздонмахсулот» акциядорлик компанияси таркибига кирувчи барча корхоналардаги ҳақиқий қолдиқларининг қайта баҳоланиши ҳисобига ҳам юзага келади.

6. Дон маҳсулотлари корхоналарида доннинг харид (прејскурант ёки шартно-



ма) ва улгуржи-сотиш нархлари ўртасидаги ҳамда дон, қўшимча маҳсулотлар ва донни дастлабки қайта ишлашдан ҳосил бўладиган чиқиндиларнинг аввал амалда белгиланган ва янги киритилаётган улгуржи-сотиш нархлари бўйича қайта баҳолашдан юзага келган ижобий фарқлар суммаси (кейинги ўринларда — ижобий фарқ ва қайта баҳолаш маблағлари) мутаносиб равишда 1810 «Доннинг республика ичидаги улгуржи-сотиш ва харид нархлари ўртасидаги ижобий (салбий) фарқлар» ва 1820 «Республика ичида улгуржи-сотиш нархларининг ўзгариши муносабати билан дон нархини ошириш (камайтириш)» баланс ҳисобварақларида ҳисобга олиб борилади.

7. Ижобий фарқ ва қайта баҳолаш суммалари корхонанинг даромади ҳисобланмайди ва дон маҳсулотлари корхоналари ушбу маблағни дон, қўшимча маҳсулотлар ва донни дастлабки қайта ишлашдан ҳосил бўладиган чиқиндиларни сотиш ҳажмига мутаносиб равишда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-кунигача, «Ўздонмахсулот» акциядорлик компаниясининг бюджетдан ташқари махсус ҳисобварағига кейинчалик 2 банк кунида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг махсус ҳисобварағига кўчириши учун ўтказиб беради.

8. Дон маҳсулотлари корхоналарида сақланаётган давлат захирасидаги дон янги қўлланиладиган улгуржи-сотиш нархи даражасида қайта баҳоланади ва қайта баҳолаш ҳисобига вужудга келган сумма Давлат бюджети маблағи сифатида ҳисобга олинади ҳамда давлат захирасидаги донни сақлаш бўйича харажатларни молиялаштириш учун фойдаланилади.

9. Доннинг харид нархи улгуржи-сотиш нархидан юқори бўлган ҳамда дон, қўшимча маҳсулотлар ва донни дастлабки қайта ишлашдан ҳосил бўладиган чиқиндиларнинг қолдиқлари улгуржи-сотиш нархларни ўзгариши ҳисобига арзонлаштирилган ҳолатларда салбий фарқ юзага келади ва бу фарқ кейинчалик қайд қилинган маҳсулотларни сотиш ҳажмига мутаносиб равишда корхоналарнинг 1810 «Доннинг республика ичидаги улгуржи-сотиш ва харид нархлари ўртасидаги ижобий (салбий) фарқлар» ва 1820 «Республика ичида улгуржи-сотиш нархларининг ўзгариши муносабати билан дон нархини ошириш (камайтириш)» баланс ҳисобварақларида мос равишда ҳисобга олиб борилган ижобий фарқ ва қайта баҳолаш маблағлари ҳисобидан қоплаб борилади.

### **III. Нархлар ўртасидаги фарқлардан маблағларнинг ташкил этилиши ва фойдаланишини назорат қилиш тартиби**

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари белгиланган тартибда:

харид (прейскурант ёки шартнома) ва улгуржи-сотиш нархлари ўртасида ижобий фарқни ҳамда давлат эҳтиёжлари учун харид қилинган дон, қўшимча маҳсулотлар ва чиқиндилар қолдиқларини қайта баҳолаш ҳисобига улар қийматининг ошиши натижасида юзага келадиган маблағларни ўз вақтида ва тўлиқ жамланиши ҳамда «Ўздонмахсулот» акциядорлик компаниясининг бюджетдан ташқари махсус ҳисобварағига ўтказиб берилиши ва кейинчалик уларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг махсус ҳисобварағига ўтказилиши;

доннинг харид нархи улгуржи-сотиш нархидан юқори бўлганда ҳамда дон, қўшимча маҳсулотлар ва донни дастлабки қайта ишлашдан ҳосил бўладиган чиқиндиларнинг қолдиқлари улгуржи-сотиш нархларни ўзгариши ҳисобига арзонлаштирилганда юзага келадиган салбий фарқни ҳисобга олишни тўғрилиги устидан текширишларни амалга оширади.

11. Харид (прейскурант ёки шартнома) ва улгуржи-сотиш нархлари ўртасида

ижобий (салбий) фарқ ҳамда давлат эҳтиёжи учун харид қилинган дон, қўшимча маҳсулотлар ва чиқиндилар қолдиқларини қайта баҳолаш ҳисобига улар қийматининг ошиши (камаيиши) натижасида юзага келадиган маблағлар бўйича маълумотларнинг объективлиги ва ҳаққонийлигига дон корхоналарининг раҳбарлари ва бош бухгалтерлари жавобгар бўладилар.

#### IV. Якуний қоида

12. Ушбу Низом «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси билан келишилган.

**«Ўздонмаҳсулот» акциядорлик  
компаниясининг раиси**

**Э. ҚУДРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 10 сентябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ  
БҲЙРУҒИ

### 435 Шифокор рецептисиз сотиладиган дори воситаларининг рўйхати тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил  
20 октябрда 1730-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2007 йил 30 октябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада дори-дармонлар ва тиббий буюмлар билан таъминлашни ва уларни тақсимлашни яхшилашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»-ги 1994 йил 6 августдаги 404-сон қарорини бажариш мақсадида **буюраман:**

1. «Шифокор рецептисиз сотиладиган дори воситаларининг рўйхати» иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

**Соғлиқни сақлаш вазири**

**Ф. НАЗИРОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 25 сентябрь,  
422-сон

Соғлиқни сақлаш вазирининг  
2007 йил 25 сентябрдаги  
422-сонли буйруғига  
ИЛОВА

### Шифокор рецептисиз сотиладиган дори воситаларининг рўйхати

| №<br>т/р | Савдо номи                          | Дори шакли                                                                                                                              |
|----------|-------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 1.       | BARBA-ЙОД                           | Таблеткалар                                                                                                                             |
| 2.       | ESSEN XL LIVER FORTE                | Капсулалар                                                                                                                              |
| 3.       | АДЕНО-RITZ                          | Капсулалар                                                                                                                              |
| 4.       | АДЖИКОЛД                            | Таблеткалар                                                                                                                             |
| 5.       | АДЖИКОЛД РАСТИРАНИЕ НА ТРАВАХ       | Суртма 20 г                                                                                                                             |
| 6.       | АДЖИКОЛД СИРОП                      | Йўталга қарши сироп 100 мл                                                                                                              |
| 7.       | АДЖИКОЛД ХОТМИКС                    | Лимон, апельсин таъмли ичиш учун эритма тайёрлаш учун кукун                                                                             |
| 8.       | АДЖИСЕПТ                            | Шимиш учун пастилкалар: классик, асал ва лимон, эвкалипт ва ментол, ананас, апельсин, банан, олча, қулупнай, лимон, малина, асал таъмли |
| 9.       | АДОНИС-БРОМ                         | Қобиқ билан қопланган таблеткалар                                                                                                       |
| 10.      | АЕВИТ                               | Капсулалар 0,2 г                                                                                                                        |
| 11.      | АЕКОЛ                               | Ёғли эритма 50 мл; 100 мл                                                                                                               |
| 12.      | АКВА МАРИС                          | Дозаланган бурун учун спрей 30 мл (200 доз), болалар учун бурун томчилари 10 мл                                                         |
| 13.      | АКТОВЕГИН                           | Гель 20% 20 г, крем 5% 20 г, суртма 5% 20 г                                                                                             |
| 14.      | АЛАРИН                              | Таблеткалар                                                                                                                             |
| 15.      | АЛВИТАЛ                             | Капсулалар                                                                                                                              |
| 16.      | АЛВИТИЛ                             | Қобиқ билан қопланган таблеткалар, сироп 150 мл                                                                                         |
| 17.      | АЛГЕСТИН                            | Гель 40 г                                                                                                                               |
| 18.      | АЛЕР G                              | Таблеткалар 0,1 г                                                                                                                       |
| 19.      | АЛКА-ЗЕЛЬТЦЕР                       | Лимон таъмли вишилловчи таблеткалар                                                                                                     |
| 20.      | АЛЛЕРГОДИЛ                          | Бурун спреји 10 мл                                                                                                                      |
| 21.      | АЛЛЕРГОЗАН                          | Суртма 1% 18 г, крем 1% 18 г                                                                                                            |
| 22.      | АЛЛОХОЛ                             | Қобиқ билан қопланган таблеткалар                                                                                                       |
| 23.      | АЛМАГЕЛЬ                            | Ичиш учун суспензия 170 мл                                                                                                              |
| 24.      | АЛМАГЕЛЬ А                          | Ичиш учун суспензия 170 мл                                                                                                              |
| 25.      | АЛМАГЕЛЬ НЕО                        | Суспензия 10 мл, 170 мл, 200 мл                                                                                                         |
| 26.      | АЛМАЦИД ГЕЛЬ                        | Ичга қўллаш учун ананас, қулупнай, манго таъмли гель 200 мл                                                                             |
| 27.      | АЛПИЗАРИН                           | Суртма 2%, 5% 10 г, 20 г                                                                                                                |
| 28.      | АЛТЕЙКА                             | Сироп 100 мл; 200 мл                                                                                                                    |
| 29.      | АЛТЕЙНЫЙ СИРОП                      | Сироп 125 г                                                                                                                             |
| 30.      | АЛТЕЯ КОРНИ                         | Ўсимлик хом ашёси 50 г                                                                                                                  |
| 31.      | АЛФАГИН                             | Сироп 120 мл, капсулалар                                                                                                                |
| 32.      | АЛФЛУТОП                            | Гель 1% 30г                                                                                                                             |
| 33.      | АЛЬФА-ТОКОФЕРОЛА АЦЕТАТ (ВИТАМИН Е) | Ёғли эритма капсулаларда 0,2 г, ёғли эритма 10%; 30% 20 мл                                                                              |
| 34.      | АЛЬФОГЕЛЬ                           | Гель 16 г                                                                                                                               |
| 35.      | АЛЮМАГ                              | Таблеткалар                                                                                                                             |
| 36.      | АМБРЕКС                             | Сироп 150 мл; болалар учун сироп 100 мл                                                                                                 |
| 37.      | АМБРО                               | Таблеткалар 30 мг                                                                                                                       |
| 38.      | АМБРОБЕНЕ                           | Таблеткалар 30 мг, сироп 100 мл                                                                                                         |
| 39.      | АМБРОКСОЛ                           | Таблеткалар 0,03 г, микстура 100 мл, сироп 100 мл                                                                                       |
| 40.      | АМБРОСАН                            | Таблеткалар 30 мг                                                                                                                       |
| 41.      | АМБРОТАРД                           | Таъсири узайтирилган капсулалар 75 мг                                                                                                   |
| 42.      | АМИКЛОН                             | Крем 1% 20 г                                                                                                                            |
| 43.      | АММИАКА РАСТВОР                     | Эритма 10% 10 мл                                                                                                                        |
| 44.      | АНАКОЛД                             | Таблеткалар                                                                                                                             |

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

| №<br>т/р | Савдо номи                                       | Дори шакли                                                                                                               |
|----------|--------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 45.      | АНАЛЕРГИН                                        | Қобиқ билан қопланган таблеткалар 10 мг                                                                                  |
| 46.      | АНАЛЬГИН                                         | Таблеткалар 500 мг                                                                                                       |
| 47.      | АНАПИРИН                                         | Таблеткалар                                                                                                              |
| 48.      | АНАСЕП ГЕЛЬ                                      | Милклар учун гель 20 г                                                                                                   |
| 49.      | АНАФЕРОН ДЕТСКИЙ                                 | Гомеопатик таблеткалар                                                                                                   |
| 50.      | АНГИОСЕПТИН                                      | Таблеткалар                                                                                                              |
| 51.      | АНЕСТЕЗОЛ                                        | Ректал шамчалар                                                                                                          |
| 52.      | АНОПИРИН                                         | Таблеткалар 100 мг                                                                                                       |
| 53.      | АНТИ-АКНЕ                                        | Сиртга қўллаш учун суспензия 30 мл                                                                                       |
| 54.      | АНТИ-БИТ                                         | Эритма 150 мл                                                                                                            |
| 55.      | АНТИГРИППИН                                      | Таблеткалар, капсулалар А+Б                                                                                              |
| 56.      | АНТИГРИППОКАПС                                   | Капсулалар                                                                                                               |
| 57.      | АНТИДИАРИН                                       | Капсулалар 2 мг                                                                                                          |
| 58.      | АНТИ-КОЛД                                        | Таблеткалар                                                                                                              |
| 59.      | АНТИОКСИКАПС                                     | Капсулалар 0,5 г                                                                                                         |
| 60.      | АНТИОКСИКАПС С СЕЛЕНОМ                           | Капсулалар 0,5 г                                                                                                         |
| 61.      | АНТИОКСИКАПС С ЦИНКОМ                            | Капсулалар 0,5 г                                                                                                         |
| 62.      | АНТИСТРУМИН                                      | Таблеткалар 0,001 г, драже 0,5 мг; 1,0 мг                                                                                |
| 63.      | АНТИТРОМБ                                        | Суртма 1% 10 г, 30 г                                                                                                     |
| 64.      | АНТИФЛУ                                          | Лимон таъмли (С витамини билан) ичиш учун эритма тайёрлаш учун кукун, таблеткалар                                        |
| 65.      | АНТИФЛУ БЭБИ                                     | Томчилар (табiiй олма таъмли), ичиш учун суспензия 15 мл                                                                 |
| 66.      | АНТИФЛУ КИДС                                     | Ичиш учун малина таъмли кукун                                                                                            |
| 67.      | АНТОКСИД                                         | Таблеткалар                                                                                                              |
| 68.      | АНУЗОЛ                                           | Ректал шамчалар                                                                                                          |
| 69.      | АПДИЛ-Н                                          | Сироп 100 мл                                                                                                             |
| 70.      | АПДИЛ-ТОТАЛ                                      | Таблеткалар                                                                                                              |
| 71.      | АПИЗАРТРОН                                       | Суртма 20 г, 30 г, 50 г, 100 г                                                                                           |
| 72.      | АПИЛАК                                           | Сублингвал таблеткалар 0,01 г                                                                                            |
| 73.      | АПКОСУЛ                                          | Капсулалар                                                                                                               |
| 74.      | АРНИКА                                           | Гомеопатик суртма 30 г                                                                                                   |
| 75.      | АРТРИЛ                                           | Таблеткалар 600 мг                                                                                                       |
| 76.      | АСАЦИЛ-А                                         | Таблеткалар 0,325 г                                                                                                      |
| 77.      | АСВИТОЛ                                          | Чайналадиган таблеткалар 200 мг                                                                                          |
| 78.      | АСКОРБИНОВАЯ КИСЛОТА                             | Таблеткалар 0,05 г, таблеткалар қанд билан 0,025 г, чайналадиган таблеткалар 180 мг; 500 мг апельсин таъмли, драже 50 мг |
| 79.      | АСКОРБИНОВАЯ КИСЛОТА ВИТАМИН С                   | Чайналадиган таблеткалар 180 мг ва 500 мг апельсин таъмли, драже 0,05 г                                                  |
| 80.      | АСКОРБИНОВАЯ КИСЛОТА С ГЛЮКОЗОЙ                  | Таблеткалар 0,1 г                                                                                                        |
| 81.      | АСКОРБИНОВОЙ КИСЛОТЫ И ФОЛИЕВОЙ КИСЛОТЫ ТАБЛЕТКИ | Таблеткалар 0,1 г/0,0008 г                                                                                               |
| 82.      | АСКОРУТИН                                        | Таблеткалар                                                                                                              |
| 83.      | АСКОФЕН/АСКОФЕН-П                                | Таблеткалар                                                                                                              |
| 84.      | АСПАРКАМ                                         | Таблеткалар                                                                                                              |
| 85.      | АСПИНАТ ПЛЮС                                     | Таблеткалар                                                                                                              |
| 86.      | АСПИРИН С                                        | Вишиловчи таблеткалар С витамини билан                                                                                   |
| 87.      | АСПИРИН-КАРДИО                                   | Қобиқ билан қопланган таблеткалар 100 мг, 300 мг                                                                         |
| 88.      | АУРИСАН                                          | Қулоқ томчилари 0,05% 5 мл                                                                                               |
| 89.      | АФЛУБИН                                          | Ичиш учун томчилар 20мл, 50мл, 100мл                                                                                     |
| №<br>т/р | Савдо номи                | Дори шакли                                                                                                            |
|----------|---------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 919.     | ФЛОРАЛЕК                  | Сироп 120 мл                                                                                                          |
| 920.     | ФЛОРАНОРМ                 | Таблеткалар 5 доза                                                                                                    |
| 921.     | ФЛОРИН                    | Капсулалар                                                                                                            |
| 922.     | ФЛУЗАМЕД                  | Капсулалар 150 мг N1                                                                                                  |
| 923.     | ФЛУКАНД 150               | Капсулалар 150 мг N1                                                                                                  |
| 924.     | ФЛУКОЛД N                 | Таблеткалар                                                                                                           |
| 925.     | ФЛУКОМ -150               | Таблеткалар 150 мг N1                                                                                                 |
| 926.     | ФЛУКОНАЗОЛ                | Қобик билан қопланган таблеткалар 150 мг N1, капсулалар 150 мг N1                                                     |
| 927.     | ФЛУРИТ-Г                  | Капсулалар 150 мг N1                                                                                                  |
| 928.     | ФЛЮДИСОФТ                 | Эритма 0,15% ичиш учун 150 мл                                                                                         |
| 929.     | ФЛЮДИТЕК                  | Сироп 2% болалар ва чақалоқлар учун, 5% катталар учун 125 мл                                                          |
| 930.     | ФЛЮКОН                    | Капсулалар 150 мг N1                                                                                                  |
| 931.     | ФОЛИЕВАЯ КИСЛОТА          | Таблеткалар 0,001 г, 0,005 г                                                                                          |
| 932.     | ФОЛИК                     | Таблеткалар 0,4 мг                                                                                                    |
| 933.     | ФОРКАЛ                    | Капсулалар 0,25 мг                                                                                                    |
| 934.     | ФОРКАН                    | Капсулалар 150 мг N1                                                                                                  |
| 935.     | ФОРЛАКС                   | Ичиш учун эритма тайёрлаш учун кукун 10 г                                                                             |
| 936.     | ФОРМИДРОН                 | Суяқлик 150 мл                                                                                                        |
| 937.     | ФОРТЕ ЭНЗИМ               | Ичакда эрувчи қобик билан қопланган таблеткалар                                                                       |
| 938.     | ФОРТРАНС                  | Ичиш учун эритма тайёрлаш учун кукун 64 г                                                                             |
| 939.     | ФОСФОГЛИВ                 | Капсулалар                                                                                                            |
| 940.     | ФУКОРЦИН                  | Эритма 10 мл, 25 мл                                                                                                   |
| 941.     | ФУНГИКЕЙР                 | Капсулалар 150 мг N1                                                                                                  |
| 942.     | ФУНГОТЕРБИН               | Сиртга қўллаш учун крем 1% 15 г                                                                                       |
| 943.     | ФУРАЦИЛИН                 | Сиртга қўллаш учун эритма тайёрлаш учун таблеткалар 20 мг                                                             |
| 944.     | ФУЦИС-150                 | Таблеткалар 150 мг N1                                                                                                 |
| 945.     | ХАЙДРИЛИН                 | Сироп 120 мл                                                                                                          |
| 946.     | ХВОЩА ПОЛЕВОГО ТРАВА      | Ўтлар 30 г, 50 г                                                                                                      |
| 947.     | ХИЛАК ФОРТЕ               | Ичиш учун томчилар 30 мл, 100 мл                                                                                      |
| 948.     | ХИМАНИ ФАСТ РЕЛИФ         | Лимон, қулупнай, малина, ананас, апельсин, ўтлар таъмли шимиладиган таблеткалар                                       |
| 949.     | ХЛОРЕКСИДИНА              | Эритма 0,05% 40 мл, 50 мл, 90 мл, 100 мл, 500 мл                                                                      |
| 950.     | ХЛОРОПИРАМИНА ГИДРОХЛОРИД | Таблеткалар 0,025 г                                                                                                   |
| 951.     | ХЛОРОФИЛЛИПТ              | Эритма спиртли 1% 100 мл, ёгли эритма 20 мг/мл 20 мл, шимиладиган таблеткалар 12,5 мг и 25 мг, спрей 0,002 г/мл 15 мл |
| 952.     | ХОЛЕНЗИМ                  | Қобик билан қопланган таблеткалар                                                                                     |
| 953.     | ХОЛОСАС                   | Сироп 120 г, 140 г, 150 г и 300 г, эритма 90 г, 125 г, 140 г, 150 г, 280 г                                            |
| 954.     | ХОНДРОИТИН-АКОС           | Суртма 5% 30 г                                                                                                        |
| 955.     | ХОНДРОКСИД                | Суртма 5% 30 г                                                                                                        |
| 956.     | ЦЕТИРИЗИН                 | Қобик билан қопланган таблеткалар 10 мг                                                                               |
| 957.     | ЦЕТИРИНАКС                | Қобик билан қопланган таблеткалар 10 мг                                                                               |
| 958.     | ЦЕТРИН                    | Қобик билан қопланган таблеткалар 10 мг                                                                               |
| 959.     | ЦЕФЕКОН Д; П              | Таблеткалар, болалар учун ректал шамчалар 0,05 г, 0,10 г, 0,25 г,                                                     |
| 960.     | ЦИНАРИКС                  | Қобик билан қопланган таблеткалар                                                                                     |
| 961.     | ЦИНЕПАР АКТИВ             | Гель 20 г                                                                                                             |
| 962.     | ЦИНЕПАР КИД               | Суспензия                                                                                                             |
| 963.     | ЦИНКОВАЯ МАЗЬ             | Суртма 10% 20 г, 25 г, 30 г, 40 г                                                                                     |
| 964.     | ЦИСТОН                    | Таблеткалар                                                                                                           |
| 965.     | ЦИТЕАЛ                    | Сиртга қўллаш учун қўпиксимон антисептик эритма 250 мл                                                                |
| 966.     | ЦИТРАМОН                  | Таблеткалар                                                                                                           |
| 967.     | ЦИТРАПАР                  | Капсулалар                                                                                                            |
| 968.     | ЧАБРЕЦА ТРАВА             | Ўтлар 50 г, 100 г                                                                                                     |
| 969.     | ЧАБРЕЦА ЭКСТРАКТ ЖИДКИЙ   | Суяқ экстракт 25 мл, 50 мл                                                                                            |

| № т/р | Савдо номи                       | Дори шакли                                                                                        |
|-------|----------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 970.  | ЧЕРЕДЫ ТРАВА                     | Ўтлар 30 г, 50 г, 100 г                                                                           |
| 971.  | ШАЛФЕЯ ЛЕКАРСТВЕННОГО ЛИСТЬЯ     | Доривор ўсимлик хом ашёси 30 г, 50 г                                                              |
| 972.  | ШАРК ТАБИБИ ЛЕЧЕБНЫЙ БАЛЬЗАМ     | Суюқлик 100 мл, 200 мл, 300 мл                                                                    |
| 973.  | ШИПОВНИКА МАСЛО                  | Ёғ 30 мл, 50 мл, 100 мл                                                                           |
| 974.  | ШИПОВНИКА ПЛОДОВ СИРОП           | Сироп 40 мл, 50 мл, 90 мл, 100 мл, 200 мл, 1000 мл                                                |
| 975.  | ШИПОВНИКА ПЛОДЫ                  | Мевалар 50 г, 100 г, 150 г                                                                        |
| 976.  | ЭВИКА                            | Капсулалар                                                                                        |
| 977.  | ЭВИТОЛ                           | Пастилкалар 100 мг                                                                                |
| 978.  | ЭВКАЛИПТА НАСТОЙКА               | Настойка 25 мл                                                                                    |
| 979.  | ЭКЗОДЕРИЛ                        | Крем 1%, сиртга қўллаш учун эритма 1%                                                             |
| 980.  | ЭКЗОМЮК                          | Ичиш учун эритма тайёрлаш учун гранулалар 200 мг                                                  |
| 981.  | ЭКСЕН ФОРТЕ                      | Суспензия 60 мл                                                                                   |
| 982.  | ЭКСЕН ФОРТЕ ВИТА+                | Капсулалар                                                                                        |
| 983.  | ЭКСОКОР                          | Таблеткалар 0,1 г                                                                                 |
| 984.  | ЭКСТРАКТ ЭЛЕУТЕРОКОККА СУХОГО    | Қобик билан қопланган таблеткалар 0,1 г                                                           |
| 985.  | ЭЛЕУТЕРОКОКК ЭКСТРАКТ ЖИДКИЙ     | Суюқ экстракт 50 мл                                                                               |
| 986.  | ЭЛИДЕЛ                           | Крем 1% 15 г                                                                                      |
| 987.  | ЭЛИКСИР GM                       | Эликсир 100 мл, 250 мл, 330 мл, 500 мл                                                            |
| 988.  | ЭЛИКСИР ГРУДНОЙ                  | Суюқлик 25 мл, 50 мл, 80 мл, 100 мл, эритма 25 мл                                                 |
| 989.  | ЭЛОКОМ                           | Лосьон 0,1% 20 мл, суртма 0,1% 15 г, крем 0,1% 15 г                                               |
| 990.  | ЭЛОКОМ-С                         | Суртма 15 г, 45 г                                                                                 |
| 991.  | ЭЛЮДРИЛ                          | Оғиз бўшлигини чайиш учун эритма 90 мл                                                            |
| 992.  | ЭНДОФАЛЬК                        | Ичиш учун эритма тайёрлаш учун кукун 55,318 г                                                     |
| 993.  | ЭНЕРГОТОНИК "ДОППЕЛЬГЕРЦ"        | Ичиш учун эритма 20 мл, 250 мл, 500 мл, 750 мл                                                    |
| 994.  | ЭНЗИМИН                          | Ичакда эрувчи қобик билан қопланган таблеткалар                                                   |
| 995.  | ЭНЗИСТАЛ                         | Таблеткалар                                                                                       |
| 996.  | ЭНТЕРОЛ                          | Капсулалар 250 мг, ичиш учун кукун                                                                |
| 997.  | ЭНТЕРОСТЕЛЬ                      | Ичиш учун паста 225 мг                                                                            |
| 998.  | ЭНТОБАН                          | Капсулалар, сироп 90 мл                                                                           |
| 999.  | ЭНТОФИТ                          | Гранулалар                                                                                        |
| 1000. | ЭРВЫ ШЕРСТИСТОЙ (ПОЛ-ПОЛЫ) ТРАВА | Ўтлар 30 г, 50 г, 100 г                                                                           |
| 1001. | ЭРИТРОМИЦИНОВАЯ МАЗЬ             | Суртма 30 г                                                                                       |
| 1002. | ЭСКУВИТ                          | Томчилар 25 мл, қобик билан қопланган таблеткалар 0,04 г                                          |
| 1003. | ЭСКУЗАН / ЭСКУЗАН 20             | Ичиш учун эритма 20 мл, қобик билан қопланган таблеткалар                                         |
| 1004. | ЭСПОЛ                            | Сиртга қўллаш учун суртма 30 г                                                                    |
| 1005. | ЭСПУМИЗАН<br>ЭСПУМИЗАН 40        | Капсулалар 40 мг, эмульсия 100 мл                                                                 |
| 1006. | ЭССЕЛ ДЖУНИОР                    | Суспензия ичиш учун 60 мл                                                                         |
| 1007. | ЭССЕЛ ФОРТЕ                      | Капсулалар                                                                                        |
| 1008. | ЭССЕНЦИАЛЕ Н ФОРТЕ               | Капсулалар                                                                                        |
| 1009. | ЭТОНИЙ                           | Суртма 1% 15 г, гель 1% 40 г, 80 г                                                                |
| 1010. | ЭФФЕРАЛГАН                       | Болалар ичиши учун 3% эритма 90 мл, вишилловчи таблеткалар 500 мг, шамчалар 80 мг, 150 мг, 300 мг |
| 1011. | ЭФФЕРАЛГАН с ВИТАМИНОМ С         | Вишилловчи таблеткалар                                                                            |
| 1012. | ЭХИНАЦЕИ НАСТОЙКА                | Настойка 40 мл                                                                                    |
| 1013. | ЮНИКАП М; Т                      | Плётка қобик билан қопланган таблеткалар                                                          |
| 1014. | ЮНИФЛАМ                          | Таблеткалар                                                                                       |

Изох:

шифокор рецептсиз Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган:

— дори воситалари савдо номларининг қолган барча синонимлари, халқаро патентланмаган номларига мос келувчи дозалари ва ўхшаш дори шакллари;

— ушбу рўйхатга киритилган мажмуавий дори воситаларининг худди шу тар-

кибдаги таъсир қилувчи моддалар ва дори шаклига эга бўлган мажмуавий дори воситалари ҳам берилади.

Дори воситалари ўрамлари, қўллаш бўйича йўриқномалари, илова-варақаларда кўрсатилган бериш тартибидан қатъи назар, дори воситаларини беришда ушбу рўйхатга амал қилиниши керак!

ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАДА НАЗОРАТ БЎЙИЧА ДАВЛАТ  
ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**436 Истеъмолчи объектларини электр таъминоти лойиҳаларининг келишувини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил  
20 октябрда 1731-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2007 йил 30 октябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 мартдаги 96-сонли қарори билан тасдиқланган «Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси («Ўздавэнергоназорат» инспекцияси) тўғрисидаги низом»га асосан **буйраман:**

1. Илова қилинаётган «Истеъмолчи объектларини электр таъминоти лойиҳаларининг келишувини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом» тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

**«Ўздавэнергоназорат»  
инспекцияси бошлиғи**

**Б. ҒУЛОМОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 17 сентябрь,  
144-сон

«Ўздавэнергоназорат» инспекцияси  
бошлиғининг 2007 йил 17 сентябрдаги  
144-сон буйруғи билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

### **Истеъмолчи объектларини электр таъминоти лойиҳаларининг келишувини ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 мартдаги 96-сонли қарори билан тасдиқланган «Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси («Ўздавэнергоназорат» инспекцияси) тўғрисидаги низом»га мувофиқ, электр энергияси истеъмолчиларининг янгидан ишга туширилган ва реконструкция қилинган объектларини ишлашининг ишончлилигини, хавфсизлигини ва техникавий шартларга мувофиқлигини таъминлаш мақсадида электр таъминоти лойиҳа ҳужжатлари (кейинги ўринларда электр таъминоти лойиҳалари деб юритилади) келишувини ўтказишнинг тартиби ва муддатларини белгилайди.

#### **§ 1. Умумий қоидалар**

1. Электр таъминоти лойиҳаларининг электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш ва истеъмол қилиш хавфсизлигини таъминлаш борасидаги келишувини ўтказиш истеъмолчиларнинг янгидан ишга тушираётган ва реконструкция қилиниб, электр таъминоти ташкилотининг тармоқларига уланаётган объектлари, технологиялари ва ускуналарини (кейинги ўринларда объектлар деб юритилади) учун мажбурийдир ва «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси (кейинги ўринларда Ўздавэнергоназорат деб юритилади) ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари томонидан амалга оширилади.

2. Фаолияти электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш ва истеъмол қилиш билан боғлиқ бўлган истеъмолчиларнинг янгидан ишга туширилаётган ва реконструкция қилинаётган объектлари ихтисослаштирилган лойиҳа ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа ҳужжатлари бўйича барпо этилиши керак.

3. Объектларнинг электр таъминоти лойиҳаларини ишлаб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 27 январдаги 32-сон қарори билан тасдиқланган «Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари» ва «Иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидалари» (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 3-4-сон, 26-модда), «Электр ускуналарининг тузилиши қоидалари», қурилиш меъёрлари ва қоидаларининг (кейинги ўринларда ҚМҚ деб юритилади) электр таъминотига тааллуқли қисмини ва бошқа норматив ҳужжатларнинг талабларини эътиборга олган ҳолда бажарилиши лозим.

4. Электр таъминоти лойиҳаларининг келишувини ўтказиш энергетика соҳасидаги қонун ҳужжатлари ҳамда мазкур Низом талабларига мувофиқ амалга оширилиши лозим.

5. «Ўздавэнергоназорат» ёки унинг ҳудудий бўлимлари томонидан истеъмолчи объектларининг электр таъминоти лойиҳалари келишуви ўтказилганидан сўнг уларга хулоса берилади.

6. Истеъмолчиларнинг 750 kVA гача рухсат этилган қувватли объектларига электр таъминоти лойиҳалари бўйича хулоса «Ўздавэнергоназорат»нинг ҳудудий бўлимлари томонидан, 750 kVA дан юқори рухсат этилган қувватли объектларининг электр таъминоти лойиҳалари бўйича хулосаси «Ўздавэнергоназорат» томонидан берилади.



7. Қуввати 10 киловаттгача бўлган объектларнинг электр таъминоти лойиҳалари «Ўздавэнергоназорат» билан келишувдан ўтказилмайди.

8. «Ўзбекэнерго» ДАК объектларининг электр таъминоти лойиҳалари келишув электр таъминоти ташкилотининг вакили (эксперти) билан биргаликда ўтказилади.

9. Истеъмолчида электр таъминоти лойиҳаси бўйича «Ўздавэнергоназорат» ёки унинг ҳудудий бўлимлари томонидан берилган хулоса бўлмаган тақдирда, объектни электр тармоқларига улаш ман этилади.

## § 2. Лойиҳаларни келишувга тақдим этиш тартиби

10. Электр таъминоти лойиҳалари бўйича хулосани олиш учун «Ўздавэнергоназорат»га ёки унинг ҳудудий бўлимларига истеъмолчи ёки лойиҳани ишлаб чиққан лойиҳа ташкилоти томонидан қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

электр таъминоти лойиҳасини келишиш тўғрисидаги ариза;

электр таъминоти лойиҳаси;

объектни электр тармоқларига улаш учун электр таъминоти ташкилоти томонидан берилган техник шартлар;

электр таъминоти ташкилотининг ташқи электр таъминоти лойиҳасини келишилганлиги тўғрисидаги хулосаси.

Кўрсатиб ўтилган рўйхатдан ортиқча қўшимча материаллар сўраб олиш қатъиян тақиқланади.

11. Электр таъминоти лойиҳалари келишувини ўтказиш муддати лойиҳа ҳужжатларининг ҳажмига қараб белгиланади ва 30 кундан ошмаслиги керак. Жуда катта ва мураккаб объектларнинг лойиҳалари келишувини ўтказишда, ушбу муддат истисно тариқасида, «Ўздавэнергоназорат» бошлиғи томонидан бир ойга, лекин ундан ортиқ бўлмаган муддатга аризачини хабардор қилган ҳолда узайтирилиши мумкин.

## § 3. Объектларнинг электр таъминоти лойиҳалари бўйича хулосалар бериш

12. Объектларнинг электр таъминоти лойиҳалари бўйича хулоса Ўздавэнергоназорат ва унинг ҳудудий бўлимларининг қарорлари кўринишида расмийлаштирилади.

13. Объектларнинг электр таъминоти лойиҳалари, уларнинг келишувни ўтказиш давомида қуйидаги ҳолларда қайта ишлаб чиқирилиши учун қайтарилади:

келишувни ўтказиш учун керакли ҳужжатлар тўла ҳажмда тақдим этилмаганда;

электр таъминоти ташкилоти томонидан берилган техник шартларнинг талаблари бажарилмаганда;

электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш ва истеъмол қилиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 27 январдаги 32-сон қарори билан тасдиқланган «Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари», «Иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидалари» ҳамда «Электр ускуналарининг тузилиши қоидалари», ҚМҚ ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга номувофиқликлар аниқланганда.

14. «Ўздавэнергоназорат» ёки унинг ҳудудий бўлимлари томонидан бирламчи кўриб чиқишда берилган эътирозлар бартараф этилиб, лойиҳа қайта ишлаб чи-

қилганидан сўнг, объектларнинг электр таъминоти лойиҳаси такроран кўриб чиқиш учун такдим этилади.

15. Қайта ишлаб чиқилган объектнинг электр таъминоти лойиҳасининг такрорий келишувини ўтказиш муддати уларнинг мураккаблигидан қатъи назар, 15 кундан ошмаслиги лозим.

Ҳужжатларни такроран кўриб чиқишда илгари аризачига ёзма равишда баён қилинмаган янги камчиликлар билдирилишига йўл қўйилмайди.

16. Истеъмолчи объектларининг электр таъминоти лойиҳаларининг келишувини ўтказишда юзага келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

#### § 4. Якуний қоида

17. Мазкур Низом «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан келишилган.

*«Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик  
компанияси Бошқаруви раисининг  
биринчи ўринбосари*

**Б. АБДУРАХМАНОВ**

*Тошкент ш.,  
2007 йил 5 сентябрь*

*Монополиядан чиқариш,  
рақобат ва тадбиркорликни  
қўллаб-қувватлаш давлат  
қўмитаси раиси в.б.*

**Б. УЛАШОВ**

*Тошкент ш.,  
2007 йил 29 август*

*Давлат архитектура ва  
қурилиш қўмитаси раиси*

**А. ТЎХТАЕВ**

*Тошкент ш.,  
2007 йил 14 сентябрь*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ  
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**437 Республика кўчмас мулк биржаси томонидан ўтказиладиган аукционларда қимматликларни сотиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 20 октябрда 145-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2007 йил 30 октябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2005 йил 23 мартдаги 01/06-РБН/01-сонли қарори билан тасдиқланган «Республика Кўчмас мулк биржасида аукцион савдоларини ўтказиш тартиби тўғрисида низом» давлат рўйхатига олинганлиги муносабати билан, (2005 йил 9 апрель, рўйхат рақами 1467 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 15-16-сонлар, 117-модда) **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Марказий банки томонидан 1995 йил 19 майда 59, 134-сонли қарори билан тасдиқланган «Республика кўчмас мулк биржаси томонидан ўтказиладиган аукционларда қимматликларни сотиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом» (1995 йил 26 май, рўйхат рақами 145) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтганидан кейин кучга киради.

**Молия вазири**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 12 октябрь,  
92-сон

**Давлат мулкни бошқариш  
давлат қўмитаси раиси**

**Д. МУСАЕВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 12 октябрь,  
01/23-1060-сон

**Марказий банк  
Бошқаруви раиси**

**Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 12 октябрь,  
25/6-сон

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР,  
ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**438** 2006 йил 30 августдаги Орол денгизининг Ўзбекистон қисмига тегишли маҳсулот тақсимотига оид Битимни бажариш доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил  
22 октябрда 1732-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2007 йил 1 ноябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддаси, Ўзбекистон Республикаси «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси «Маҳсулот тақсимотига оид битимлар тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Орол денгизининг Ўзбекистон қисмини геологик жиҳатдан ўрганиш ва кейинчалик янги очиладиган углеводород конларини маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги Битим шартлари асосида қазиш ҳақида» 2006 йил 30 августдаги ПҚ-457-сон, «Орол денгизининг Ўзбекистонга тегишли қисмига нисбатан маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги Битимни амалга ошириш тартиби ва механизми ҳақида» 2006 йил 24 октябрдаги ПҚ-498-сон қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги **қарор қиладилар:**

1. 2006 йил 30 августдаги Орол денгизининг Ўзбекистон қисмига тегишли маҳсулот тақсимотига оид Битимни бажариш доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кунидан ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

**Давлат божхона  
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,  
2007 йил 5 сентябрь,  
01-02/12-27-сон

**С. НОСИРОВ**

**Ташқи иқтисодий алоқалар,  
инвестициялар ва савдо вазири**

Тошкент ш.,  
2007 йил 5 сентябрь,  
ЭГ-01/10-3960-сон

**Э. ҒАНИЕВ**

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.*

## Иқтисодиёт вазири

Б. ХОДЖАЕВ

Тошкент ш.,  
2007 йил 5 сентябрь,  
33-сон

Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлигининг 2007 йил 5 сентябрдаги 01-02/12-27, ЭГ-01/10-3960, 33-сон қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**2006 йил 30 августдаги Орол денгизининг Ўзбекистон қисмига тегишли маҳсулот тақсимотига оид Битимни бажариш доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви ҚОИДАЛАРИ**

Ушбу Қоидалар Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»-ги Қонунининг 6-моддаси, Ўзбекистон Республикаси «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси «Маҳсулот тақсимотига оид битимлар тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Орол денгизининг Ўзбекистон қисмини геологик жиҳатдан ўрганиш ва кейинчалик янги очиладиган углеводород конларини маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги Битим шартлари асосида қазилар ҳақида» 2006 йил 30 августдаги ПҚ-457-сон, «Орол денгизининг Ўзбекистонга тегишли қисмига нисбатан маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги Битимни амалга ошириш тартиби ва механизми ҳақида» 2006 йил 24 октябрдаги ПҚ-498-сон қарорлари, Ўзбекистон Республикаси ва «Ўзбекнефтегаз» МХК, Корея Миллий Нефть Корпорацияси, «ЛУКОЙЛ Оверсиз Холдинг Лтд.» (Россия), «Петронас Чаригали Оверсиз Сдн. Бхд.» (Малайзия) ва «Си-ЭН-Пи-Си Интенешнл Лтд.» (ХХР) таркибидаги сармоядорлар консорциуми ўртасида 2006 йил 30 августдаги Орол денгизининг Ўзбекистон қисмига нисбатан маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги Битимга мувофиқ, кўрсатилган Битим доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларни божхона расмийлаштирувини амалга ошириш тартибини белгилайди.

1. Ушбу Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалар ишлатилади:

**МТБ** — 2006 йил 30 августдаги Ўзбекистон Республикаси ва «Ўзбекнефтегаз» МХК, Корея Миллий Нефть Корпорацияси, «ЛУКОЙЛ Оверсиз Холдинг Лтд.» (Россия), «Петронас Чаригали Оверсиз Сдн. Бхд.» (Малайзия) ва «Си-ЭН-Пи-Си Интенешнл Лтд.» (ХХР) таркибидаги сармоядорлар консорциуми ўртасида Орол денгизининг Ўзбекистон қисмига нисбатан маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги Битим, илова ҳамда ўзгартишлар ва қўшимчаларни ичига олган ҳолда;

**Сармоядор** — «Ўзбекнефтегаз» МХК, Корея Миллий Нефть Корпорацияси, «ЛУКОЙЛ Оверсиз Холдинг Лтд.», «Петронас Чаригали Оверсиз Сдн. Бхд.» ва «Си-ЭН-Пи-Си Интенешнл Лтд.» (ХХР) компанияларни, уларнинг ҳуқуқий ворислари ва йўл қўйиладиган цессионарийларини бирга англатади;

**Компания-Иштирокчи** — матн мазмунидан келиб чиқиб, «Ўзбекнефтегаз» МХК, Корея Миллий Нефть Корпорацияси, «ЛУКОЙЛ Оверсиз Холдинг Лтд.», «Петронас Чаригали Оверсиз Сдн. Бхд.» ва «Си-ЭН-Пи-Си Интенешнл Лтд.» (ХХР) ком-

панияларини ва/ёки уларнинг тегишли ҳуқуқий ворислари ҳамда йўл қўйиладиган цессионарийларини англатади;

**Оператор** — МТБда назарда тутилган нефть-газ операцияларини бажаришни ташкил қилиш учун «Арал СИ Оперейтинг Компании» МЧЖ ҚК номи билан Сармоядорлар топшириғи бўйича таъсис этилган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатга олинган юридик шахс. Оператор МТБга мувофиқ кўзда тутилган божхона имтиёзлари ва преференцияларидан фойдаланади;

**Ваколатли орган** — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги;

**Нефть-газ операциялари** — геологик қидирув ишларини олиб бориш, лойиҳалаштириш, товарлар, хизматлар ва ишларни харид қилиш, ишлаб чиқариш конларни қазиб ва жойлаштириш, қазиб олиш, ишлатиш, қўзғатиш, дам бериб ҳайдаш, йиғиш, барқарорлаштириш, тозалаш (табiiй газни тайёрлашни қўшган ҳолда), қазиб чиқариш (шу жумладан товар ҳолидаги олтингургуртни олиш) ва шартнома майдонида қазиб олинган углеводород ва олтингургуртни сақлаш, ортиш, юклаб жўнатиш, қайта ишлаш ва етказиладиган пунктга етказиб бериш ҳамда шартнома майдони билан боғлиқ тугатиш ва консервация қилиш операциялари бўйича барча фаолиятни, шунингдек, йиллик иш дастурини бажаришни таъминлайдиган бошқа фаолиятни англатади;

**Нефть-газ маҳсулоти** — Нефть-газ операциялари ўтказиш мобайнида топилган, қазиб олинган, тайёрланган, қайта ишланган ва/ёки сақлаб қўйилган ҳамда тегишли етказиладиган пунктгача етказиб берилган нефть, табiiй газ, конденсат, бошқа углеводородли маҳсулотларни, шунингдек, бошқа қўшимча моддаларни англатади;

— **Пудратчи** — Компания-Иштирокчи ва/ёки Оператор билан Нефть-газ операциялари билан боғлиқ бўлган товарларни етказиб бериш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш тўғрисида фуқаровий-ҳуқуқий битим тузган ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахс. Ушбу тушунча, Пудратчи ёки унинг ёрдамчи пудратчилари билан Нефть-газ операциялари билан боғлиқ бўлган товарларни етказиб бериш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш тўғрисида битимлар тузилган ёрдамчи пудратчиларни ҳам ўз ичига олади;

**ЎББ** — Компания-Иштирокчи, Оператор, Пудратчи томонидан олиб кириладиган (олиб кетадиган) товарларни божхона назоратини ёки божхона расмийлаштирувини амалга оширадиган Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг тегишли ҳудудий божхона бошқармаси;

**товарлар** — МТБ доирасидаги Нефть-газ операцияларини бажариш учун Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтказиладиган ҳар қандай кўчар мулк, шу жумладан сарфланадиган ва қайтариладиган товарлар;

**сарфланадиган товарлар** — Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудуди, эркин муомалага чиқариш божхона режимида олиб кириладиган материаллар, ускуналар, асбоблар, жиҳозлар ва қисмлар, ЁММ (ёкилғи-мойлаш материаллари), транспорт воситалари ва бошқа кўчар мулк, шунингдек МТБ бўйича ишларни олиб бориш жараёнида ишлатиладиган техник-материал ресурслар, лойиҳа ва техник ҳужжатлар;

**қайтариладиган товарлар** — кейинчалик Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқиладиган, Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида вақтинчалик олиб кириш божхона режими остида олиб ўтилатган материаллар, ускуналар, асбоблар, жиҳозлар ва қисмлар, транспорт воситалари ва бошқа кўчар мулк, лойиҳа ва техник ҳужжатлар;

**божхона юк декларацияси (БЮД)** — қонун ҳужжатларига мувофиқ расмийлаштирилган ва юридик аҳамиятга эга ҳужжат.

2. Белгиланган тартибда Оператор томонидан тузилган товарларни етказиб бериш шартномалари, ваколатли банкда ва Ўзбекистон Республикаси божхона органларида ҳисобга қўйилиши лозим.

3. Компания-Иштирокчи, Оператор ва Пудратчилар томонидан олиб кириладиган товарларнинг, шунингдек олиб чиқиладиган қайтариладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви МТБнинг 20-моддасига мувофиқ қуйидаги хусусиятларни инобатга олиб, божлар, солиқ ва йиғимлар (божхона расмийлаштируви учун олинadиган йиғимдан ташқари) ундирилмаган ҳолда амалга оширилади:

а) Компания-Иштирокчи томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб кириладиган/олиб чиқиладиган товарларнинг ҳисоби қонун ҳужжатларига мувофиқ Компания-Иштирокчига берилган Компания-Иштирокчининг кодига асосан юритилади;

б) Оператор томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб кириладиган/олиб чиқиладиган товарларнинг ҳисоби қонун ҳужжатларига мувофиқ Операторга берилган Операторнинг КТУТ кодига асосан юритилади;

в) Пудратчи томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг ҳисоби Компания-Иштирокчи ва/ёки Оператор ва Пудратчи ўртасида тузилган шартномаларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан Пудратчига берилган кодга асосан юритилади.

4. Берилган имтиёзларнинг ҳисобини олиб бориш учун БЮД божхона тўловлари ҳисобга олинган ҳолда тўлдирилади.

5. Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига Оператор томонидан олиб кириладиган товарларга, шунингдек олиб чиқиладиган қайтариладиган товарларга нисбатан божхона расмийлаштируви учун божхона йиғимларининг ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши учун Сармоядор ва/ёки Оператор жавобгар бўлади.

6. Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали Пудратчи томонидан олиб ўтиладиган товарларга нисбатан божхона расмийлаштируви учун божхона йиғимларининг ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши учун Компания-Иштирокчи ва/ёки Оператор ва Пудратчи ўртасида тузилган шартномалар шартларига мувофиқ, Пудратчи жавобгар бўлади.

7. Олиб кирилиши ваколатли органларнинг рухсатини олишни талаб қиладиган товарлар, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва МТБда белгиланган тартиб ва шартларда олиб кирилади.

8. Оператор Нефть-газ операцияларини ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 ноябрдаги 523-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами, 2003 й., № 11, 124-модда) ва «Божхона омбори» божхона режими тўғрисидаги низомга (2004 йил 27 февраль, рўйхат рақами 1318 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 8-сон, 103-модда) мувофиқ божхона омбори таъсис этиш ҳукукига эга.

9. Оператор томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига харид қилинадиган ва ушбу ҳудуддан ташқарига олиб чиқилмасдан фойдаланиш учун мўлжалланган товарлар учун божхона расмийлаштируви амалга оширилмайди.

10. Қайтариладиган товарлар олиб кириш мақсадидан келиб чиқиб, Компания-Иштирокчи, Оператор ёки Пудратчи томонидан баён қилинган ва божхона органлари томонидан ўрнатилган муддатга вақтинча олиб кириш божхона режимига жойлаштирилади ва божхона юк декларацияси қуйидаги хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда тўлдирилади:

а) 24-устунининг чап кичик бўлимида «79» битим коди кўрсатилади;  
б) 44-устунининг 3-бандида МТБнинг рақами ва санаси, шунингдек Сармоядор ва/ёки Операторнинг ўтказиладиган товарларга тегишли хати кўрсатилади. Товарлар Оператор томонидан тузилган шартномалар бўйича ўтказилган тақдирда, унинг рақами ва санаси ҳам кўрсатилади.

11. Қайтариладиган товарларнинг вақтинча олиб кириш режимида божхона расмийлаштируви ва божхона назорати тегишли ХББ томонидан амалга оширилади.

12. Компания-Иштирокчи ва/ёки Оператор ёхуд Пудратчи вақтинчалик олиб кириш охири муддати тугагунига қадар қайтариладиган товарларни қуйидаги усуллар орқали тасарруф этиши керак:

а) Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан реэкспорт режимида олиб чиқиши;

б) белгиланган вақтинчалик олиб кириш муддати тугашидан камида ўттиз (30) кун олдин тегишли ХББга ёзма мурожаатнома асосида уларни вақтинчалик олиб кириш муддатларини узайтириши;

в) қонун ҳужжатлари ва МТБда белгиланган тартибда эркин муомалага чиқариш режимида ёки бошқа режимга жойлаштириш тўғрисида мурожаат қилиши.

13. Қайтариладиган товарларни вақтинча олиб кириш муддатини божхона юк декларациясида дастлаб кўрсатилган муддатдан ортиқ муддатга узайтириш Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 17 августдаги 399-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 33-сон, 372-модда) ва Вақтинчалик олиб кириш (олиб чиқиш) божхона режими тўғрисидаги низомга (2004 йил 14 октябрь, рўйхат рақами 1418 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 40-41-сон, 444-модда) мувофиқ амалга оширилади.

14. Қайтариб олиб чиқиладиган қайтариладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви ушбу қайтариладиган товарларни баён қилинган вақтинча олиб кириш режимида мувофиқ назоратга қўйган тегишли ХББ томонидан амалга оширилади.

15. Сарфланадиган товарлар БЮД тўлдирган ҳолда, эркин муомалага чиқариш божхона режимида қуйидаги хусусиятларни инобатга олиб жойлаштирилади:

а) 24-устуннинг чап кичик бўлимида битимнинг коди «79» кўрсатилади;

б) 44-устунининг 3-бандида МТБнинг рақами ва санаси, шунингдек Сармоядор ва/ёки Операторнинг ўтказиладиган товарларга тегишли хати кўрсатилади. Товарлар Оператор томонидан тузилган шартномалар бўйича ўтказиладиган тақдирда унинг рақами ва санаси ҳам кўрсатилади;

в) «С» устуни товарлар Оператор томонидан тузилган шартномалар бўйича ўтказилганда тўлдирилади.

16. Компания-Иштирокчи, Оператор ёки Пудратчиларнинг сарфланадиган товарлари божхона омбори режимида жойлаштирилиши мумкин.

17. Божхона расмийлаштируви мақсадида сертификатланиши мажбурий бўлган сарфланадиган товарларни сертификатлашдан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги 318-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 27-сон, 315-модда) ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига сертификатланиши мажбурий бўлган товарларни (маҳсулотларни) олиб кириш ва унинг ҳудудидан олиб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномада (2000 йил 26 февраль, рўйхат рақами 901) белгиланган тартибда амалга оширилади.

18. Эркин муомалага чиқариш режимида жойлаштирилган сарфланадиган то-



варлар, Компания-Иштирокчи ва/ёки Оператор ёхуд Пудратчининг аризасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан ташқарига реэкспорт режимида Божхона реэкспорт режими тўғрисидаги низомнинг (2002 йил 12 май, рўйхат рақами 1134) шартлари ва тартибига амал қилган ҳолда олиб чиқиши мумкин.

19. Компания-Иштирокчи ва/ёки Операторнинг мажбуриятлари:

а) ХББга олиб кирилатган/олиб чиқиётган товарларни кўрсатиш ва уларни тегишли божхона режимида расмийлаштириш учун зарур ҳужжатларни тақдим этиши;

б) божхона расмийлаштируви учун қонун ҳужжатларида белгиланган йиғимларни тўлаши;

в) қайтариладиган товарлар кейинчалик бошқа шахсларга бериладиган тақдирда, қайтариладиган товарларни эркин муомалага чиқариш режимида расмийлаштириш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда божхона тўловларни тўлаши;

г) вақтинчалик олиб кириш муддатлари тугаганида қайтариладиган товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига олиб чиқиш ёки уларни қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа божхона режимига қайта расмийлаштириши.

20. Пудратчи ушбу Қоидаларнинг 19-бандида назарда тутилган мажбуриятларни бажаришга мажбур.

21. Ушбу Қоидаларнинг 19-бандида назарда тутилган мажбуриятлар тузилган шартномалар асосида Компания-Иштирокчи, Оператор ёки Пудратчи томонидан ваколатланган шахслар томонидан бажарилиши мумкин.

22. Оператор, зарурат туғилганда тегишли ХББга ёзма мурожаати асосида, Сармоядор топшириғи бўйича ва Ваколатли органнинг розилиги билан Ўзбекистон Республикаси ташқарисига геология жинслари намуналари ва углеводородлар намуналарини ишлов бериш, таҳлил этиш ва ўрганиш мақсадида олиб чиқиши мумкин.

23. Оператор, зарурат туғилганда Сармоядор топшириғи бўйича ва Ваколатли органнинг розилиги билан Ўзбекистон Республикаси ташқарисига лойиҳавий, техник, ҳисобот ҳужжатлари, сейсмик ёзувлар маълумотларининг аслини ва бошқа геологик маълумотларни ишлов бериш, таҳлил этиш ва ўрганиш мақсадида олиб чиқиши мумкин. Оператор олиб чиқиб кетилган кўрсатилган ёзувлар ва маълумотларни Ўзбекистон Республикасига қайтаришга мажбур.

24. Сармоядор, Оператор, Пудратчилар, ёрдамчи пудратчилар, маҳсулот етказиб берувчилар ва бошқа шахсларнинг Нефть-газ операцияларини МТБ бўйича бажариш учун жалб қилинадиган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий турар жойига ва юридик манзилига эга бўлмаган ходимлари, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, ҳар қандай маиший буюмларни ва бошқа шахсий нарсаларни, шу жумладан мебель, маиший техника, транспорт воситалари ва ҳ. к.ни, МТБнинг 20.3 ва 20.4-моддаларига мувофиқ, ушбу ходимлар ва уларнинг оила аъзолари томонидан фақат шахсий мақсадларда фойдаланиш учун олиб кирилатганда ҳеч қандай божхона тўловларисиз (божхонада расмийлаштириш йиғимларидан ташқари) Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва Ўзбекистон Республикасидан қайтариб олиб чиқиб кетишга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бундай буюмларга нисбатан бўлган мулк ҳуқуқини бошқа шахсга бериш қонун ҳужжатларига мувофиқ, солиқ солинишига олиб келади.

25. Мулкдор ҳуқуқи Сармоядордан ва/ёки Оператордан Ўзбекистон Республикасига ёки у томондан ваколатли орган (ташкилот)га ўтганда, Компания-Ишти-

рокчи, Оператор ёки Пудратчи томонидан олиб кириладиган бундай товарлар божхона тўловларидан озод қилинади.

26. Сармоядор (Оператор) ва Пудратчиларнинг чет эллик ходимларига ҳам МТБда белгиланган барча имтиёзлар ва преференциялар жорий этилади.

27. Олиб кирилган товарлардан мақсадга номувофиқ фойдаланилган ҳолда, шу жумладан, улар тасарруфдан чиқарилганда, ҲББ белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган барча божхона тўловларини ундиради.

28. Нефть-газ маҳсулотларини олиб чиқишнинг божхона расмийлаштируви ва назорати шартлари ҳамда қоидалари алоҳида тартибда ёки ушбу Қоидаларга тегишли ўзгартиришлар киритилгандан кейин ўрнатилади.

29. Ушбу Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви ва Оператор билан келишилган.

*Молия вазири*

*Р. АЗИМОВ*

*Тошкент ш.,  
2007 йил 4 сентябрь*

*Марказий банк  
Бошқаруви раиси*

*Ф. МУЛЛАЖОНОВ*

*Тошкент ш.,  
2007 йил 4 сентябрь*

*«Арал СИ Оперейтинг Компани»  
МЧЖ ҚҚ Бош директори*

*Д. ТУРДИЕВ*

*Тошкент ш.,  
2007 йил 4 сентябрь*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАРВОЗЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ  
НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ  
БҲЙРУҒИ

**439** Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси борткузатувчиларининг ишларини ташкил этиш қоидалари»ни (ЎзР АҚ-95) тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил  
26 октябрда 1733-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2007 йил 5 ноябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси фаолиятини тартибга солувчи норматив ҳужжатларни такомиллаштириш мақсадида ИКАО стандартлари ва тавсияларини инобатга олиб **буюраман:**

1. «Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси борткузатувчиларининг ишларини ташкил этиш қоидалари» (ЎзР АҚ-95) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач амалга киритилсин.

3. Мазкур Қоидалар амалга киритилган вақтдан Дававианазорат бошлигининг 2000 йил 9 июндаги 96-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ҳаво кемаларида борткузатувчиларининг ишларини ташкил этиш бўйича қўлланма»ни тасдиқлаш тўғрисидаги буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Парвозлар хавфсизлигини назорат  
қилиш давлат инспекцияси бошлиғи**

**Ҳ. ТРОБОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 20 сентябрь,  
145-сон

Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш  
давлат инспекцияси бошлигининг  
2007 йил 20 сентябрдаги  
145-сонли буйруғи билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Ўзбекистон Республикаси Авиация қоидалари  
«Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси  
борткузатувчиларининг ишларини ташкил этиш қоидалари»  
(ЎзР АҚ-95)**

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ҳаво кемалари борткузатувчиларининг ишларини ташкил этиш қоидалари Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси, «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ходимларига гувоҳномалар

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.*

бериш ва уларни таснифлаш» Авиация қоидалари (ЎЗР АҚ-61) (2004 йил 7 май, рўйхат рақами 1349), ИКАО стандартлари ва тавсиялари: «Борткузатувчиларни хавфсизлигини таъминлаш аспектларини инобатга олган ҳолда ўқитиш бўйича қўлланма» (Ўқитиш бўйича қўлланма, DOC 7192-AN/857, Е қисми) ва «Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисида Конвенциянинг 6-илоvasи»га (Ҳаво кемаларидан фойдаланиш, I-қисм) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ҳаво кемалари борткузатувчиларининг ишларини ташкил этишни белгилайди.

Мазкур Қоидалар талаблари Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси авиакорхоналари (авиакомпаниялари) борткузатувчилари ҳамда борткузатувчиларнинг ишини ташкил этишга тааллуқли қисмида бошқа мансабдор шахсларга татбиқ этилади.

## I. Асосий қоидалар

### Атамалар ва тушунчалар

1. Ушбу Қоидалар мақсадларида қуйидаги атамалар ва тушунчалардан фойдаланилди:

**Авиакомпания (авиакорхона)** — мунтазам ҳаво рейсларини амалга оширувчи ёки шу соҳада ўз хизматларини таклиф этувчи ҳар қандай авиатранспорт корхонаси.

**Борткузатувчи** — хизмат кўрсатувчилар сонига кирувчи, йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида эксплуатант ёки ҳаво кемаси командирининг топшириқларини бажарувчи, аммо учувчилар экипажнинг аъзоси ҳисобланмаган экипаж аъзоси.

**Борткузатувчи — бригадир** — ҳаво кемаси саҳнида борткузатувчилар бригадасининг ишларини ташкил этиш учун эксплуатант томонидан тайинланган шахс.

**Борткузатувчи — инструктор** — борткузатувчилар бригадасининг ишларини тайёрлаш ва назорат қилишни ташкил этиш учун эксплуатант томонидан тайинланган шахс.

**Ҳаво кемаси** — ҳаво билан ўзаро таъсир натижасида атмосфера ушлаб тура оладиган ҳар қандай аппарат, ер сатҳидан акс этган ҳаво билан ўзаро ҳаракат бундан мустасно.

**Борткузатувчиларнинг инструкторлар таркиби** — борткузатувчи-инструкторлар.

**Ҳаво кемаси командири** — бутун парвоз давомида ҳаво кемасини бошқариш ва унинг хавфсизлиги учун масъул шахс.

**Литер рейси** — рейсни амалга оширувчи хизматлар томонидан ҳаво кемасига алоҳида диққат қаратилишини талаб этувчи рейс.

**Хавфли юклар** — ҳавода ташиш вақтида соғлиққа, хавфсизликка ёки мулкка катта зарар етказиш хавфини туғдирувчи маҳсулотлар ёки моддалар.

**Парвоздан кейинги ишлар** — ҳаво кемаси двигателлари ўчирилгандан бошлаб эксплуатант томонидан топширилган барча ишларнинг тугатилишигача бўлган даврда бажариладиган ишлар.

**Парвоздан кейинги муҳокамалар** — эксплуатант топширган вазифаларнинг ҳар бир экипаж аъзоси томонидан бажарилиш сифатини таҳлил қилиш.

**Дастлабки тайёрлаш** — экипаж аъзоларининг ҳаво кемаси саҳнида эксплуатант топширган вазифаларни бажаришга тайёрлаш ва тайёрлигини текширишнинг асосий тури.

**Парвоз олди тайёргарлик** — рейсларни бажариш олдидан ҳаво кемаси двигателини ёқишдан олдин эсплуатант топширган вазифаларни бажариш.

**Борткузатувчиларни текширувчи** — ҳаво кемаси саҳнида борткузатувчиларнинг ишини назорат қилувчи борткузатувчилар таркибидаги раҳбар, инспектор, методист ва инструктор ходим.

**Касбий (техник) машғулотлар** — эсплуатант топширган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган билимлар ва мохирлик даражасини ушлаш мақсадида борткузатувчилар билан ўтказиладиган машғулотлар.

**Муҳокама** — шахсий таркиб билан ўтказиладиган йиғилишлар.

**Рейс** — парвоз олди тайёргарлик, парвоз вақти ва парвоздан кейинги ишларни ўз ичига оладиган давр.

2. Борткузатувчилар бўлинмасининг тузилиши бажариладиган ишлар ҳажми ва хусусияти ҳисобга олинган ҳолда авиакорхона (авиакомпания) раҳбари томонидан белгиланади ҳамда Авиакорхона (авиакомпания) парвозларини бажариш қўлланмасида (бундан кейин матнда АПБҚ деб юритилади) акс эттирилади.

3. Борткузатувчиларни ишга қабул қилиш (танлаш) тартиби авиакорхона (авиакомпания) раҳбари томонидан белгиланади.

4. Борткузатувчилар ишини ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси авиакорхоналари (авиакомпаниялари) борткузатувчиларининг раҳбар ва инструктор ходимлари томонидан амалга оширилади.

5. Авиакорхоналар (авиакомпаниялар) борткузатувчиларининг раҳбар ва инструктор ходимларининг вазифалари ва ҳуқуқлари мазкур Қоидаларнинг талабларига мувофиқ белгиланади ҳамда АПБҚда акс эттирилади.

Авиакорхоналар (авиакомпаниялар) борткузатувчиларининг раҳбар ва инструктор ходимларининг жавобгарлиги уларнинг ўз вазифаларини лозим ёки етарли даражада бажармаганлиги ёхуд берилган ҳуқуқларидан фойдаланмаганликлари натижасида намоён бўлади.

6. Борткузатувчилар бўлинмасида ишларнинг ташкил этилиши бўйига бўлинма раҳбари масъул бўлади.

7. Борткузатувчилар ишини ташкил этиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- а) раҳбар ходимларни танлаш ва жойлаштиришни;
- б) борткузатувчиларни танлаб олиш ва касбий тайёрлашни;
- в) борткузатувчиларни мустақил ишга қўйишни;
- г) борткузатувчилар бригадаларини тузишни;
- д) борткузатувчилар ишини режалаштиришни;
- е) борткузатувчиларни олдиндан ва парвоз олдида тайёрлашни;
- ж) борткузатувчилар бригадасида парвозлардан кейинги муҳокамалар ва борткузатувчилар бўлинмасида муҳокамаларни;
- з) борткузатувчилар ишини назорат ва таҳлил қилишни;
- и) парвоз-услубий ишларни;
- к) фаолияти боғлиқ бўлган хизматлар (корхоналар) билан ўзаро ҳаракатларни.

8. Борткузатувчилар ишларининг юқори даражада самарали бажарилишига қуйидагилар орқали эришилади:

а) ИКАО, Ҳаво транспорти халқаро ассоциацияси (ИАТА) томонидан тавсия этиладиган амалиётни ва бошқа авиакорхоналар (авиакомпаниялар) тажрибасини қўллаш асосида борткузатувчиларни ўқитиш ва ишларини ташкил этиш шакллари ва услубларини мукамаллаштириш;

б) ҳаво кемаларининг янги русумларини ўрганиш;

- в) борткузатувчиларнинг малакасини ошириш;
- г) авария ҳолатлари бўйича тренажёрлардан, шунингдек хизмат кўрсатишнинг барча турлари бўйича тренажёр синфларидан самарали фойдаланиш;
- д) парвозларга сифатли тайёрланиш;
- е) авария ҳолатлари юзага келган ҳолларда экипаж аъзолари билан тўғри ва аниқ ҳаракат қилиш;
- ж) йўловчиларга ҳаво кемаси саҳнида хизмат кўрсатиш технологиясини аниқ бажариш;
- з) борткузатувчиларнинг ишини мунтазам таҳлил қилиб бориш, йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданияти савиясини ва парвозда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш даражасини ошириш бўйича профилактика тадбирларини ишлаб чиқиш ва ўз вақтида амалга ошириш.

## **II. Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ҳаво кемалари борткузатувчиларига қўйиладиган талаблар**

### **§ 1. Умумий қоидалар**

9. Борткузатувчи хизмат кўрсатувчи ходимлар тоифасига мансуб бўлиб, ҳаво кемаси экипажи таркибига киради ва парвоз топшириғининг биринчи саҳифасига киритилади.

10. Борткузатувчи ҳаво кемаси саҳнида йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлайди ҳамда уларга хизмат кўрсатади.

11. Борткузатувчи «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси авиация ходимларини тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида низом»га (ЎЗР АҚ-67) (2002 йил 2 ноябрь, рўйхат рақами 1186) мувофиқ берилган тиббий хулосага ва «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ходимларига гувоҳномалар бериш ва уларни таснифлаш» Авиация қоидалари (ЎЗР АҚ-61) (2004 йил 7 май, рўйхат рақами 1349) талабларига мувофиқ бериладиган белгиланган намунадаги гувоҳномага эга бўлиши лозим.

12. Борткузатувчи давлат, рус ва бир ёки бир неча хорижий тилларни ўзининг иш фаолиятини амалга оширишда зарур бўлган ҳажмда билиши зарур.

13. Борткузатувчи Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодексининг ўзига тегишли бўлган қисмларини, мазкур Қоидаларни, АПБҚни, шунингдек борткузатувчиларнинг фаолиятини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни билиши ва аниқ бажариши зарур.

14. Борткузатувчининг меҳнат қилиш ва дам олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилиги, ИКАО стандартлари ва тавсиялари билан тартибга солинади.

15. Ҳаво кемаси саҳнидаги йўловчиларнинг хавфсизлиги учун жавобгар борткузатувчиларнинг фаолияти уларнинг авиакорхона (авиакомпания) томонидан борткузатувчиларга қўйилувчи мутахассислик талаблари ва стандартларга мувофиқ бўлишини талаб қилади.

16. Фуқаро авиацияси бўлинмаларида борткузатувчилардан самарали фойдаланиш мақсадида раҳбар, инструктор ходимларга ва борткузатувчиларга 4 русумдан кўп бўлмаган ҳаво кемаларида парвоз қилишга рухсат этилади.

**§ 2. Борткузатувчи номзодларига қўйиладиган талаблар**

17. Борткузатувчи номзоди 18 ёшдан кичик бўлмаган ва амалдаги тиббий хулосага эга бўлиши керак.

18. Борткузатувчи номзодлари соғлиғи бўйича «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси авиация ходимларини тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисида низом»га (ЎзР АҚ-67) (2002 йил 2 ноябрь, рўйхат рақами 1186) талабларига жавоб бериши керак.

**§ 3. Халқаро ҳаво йўналишларидаги борткузатувчиларга қўйиладиган талаблар**

19. Халқаро ҳаво йўналишларида ишлаш учун борткузатувчилар авиакомпания томонидан қўйиладиган талабларга мувофиқ бўлган, бир ёки бир неча хорижий тилларни ўзининг иш фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган ҳажмда биладиган ва ижобий ишлаб чиқариш тавсифномасига эга бўлган борткузатувчилар сонидан танланади.

20. Халқаро ҳаво йўналишларида парвоз қилиш учун борткузатувчилар номзодлари авиакорхона (авиакомпания)нинг борткузатувчилар хизмати раҳбари томонидан тасдиқланади.

21. Халқаро ҳаво йўналишларида парвоз қилиш учун борткузатувчилар Фуқаро авиацияси ўқув-машғулотлар марказида халқаро йўналишларда парвоз қилувчи борткузатувчилар курсларида ва хорижий тиллар курсларида таҳсил олишлари ёки Ўзбекистон Республикаси Дававианазорати томонидан тасдиқланган дастур бўйича имтиҳонларни экстерн услубида топширган ҳолда тил билиш даражасини тасдиқлаши зарур.

**III. Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ҳаво кемалари борткузатувчиларини касбий тайёрлаш****§ 1. Умумий қоидалар**

22. Борткузатувчиларни касбий тайёрлаш ҳаво кемаси саҳнида йўловчиларга оддий ва алоҳида шароитларда хизмат кўрсатиш ва хавфсизликни таъминлаш бўйича тўғри ва ўз вақтида ҳаракат қилиш учун зарур бўлган касбий билимлар ва моҳирлик савиясини эгаллаш, билимларини керакли бўлган даражада ушлаб туриш ва ошириш мақсадида амалга оширилади.

23. Борткузатувчиларни касбий тайёрлаш Фуқаро авиацияси ўқув-машғулотлар марказида Ўзбекистон Республикаси Дававианазорати томонидан тасдиқланган дастур бўйича амалга оширилади.

24. Касбий тайёрлаш тизимида қўлланиладиган ўқитиш дастурлари, ўқув ва услубий қўлланмалар ИКАО, ИАТА тажрибаси бўйича тавсияларни инобатга олган ҳолда Фуқаро авиацияси ўқув марказининг услубий тайёргарликдан ўтган ва тажрибали мутахассислари томонидан ишлаб чиқилади.

25. Борткузатувчиларнинг касбий тайёргарлиги қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) фуқаро авиацияси ҳаво кемаси борткузатувчисини курс бўйича дастлабки тайёрлаш;

- б) халқаро ҳаво йўналишларида парвоз қилиш учун тайёрлаш;  
в) бошқа русумдаги ҳаво кемасига қайта ўқитиш;  
г) борткузатувчиларнинг раҳбар ва инструктор ходимларини услубий тайёрлаш;  
д) борткузатувчи-бригадирларни услубий тайёрлаш;  
е) тилга тайёрлаш бўйича малака ошириш;  
ж) касбий (техник) машғулотлар;  
з) шахсий электрон-ҳисоблаш машинасида (бундан кейин матнда ШЭХМ деб юритилади) билимларнинг тест назорати;  
и) авария ҳолатлари бўйича тайёрлаш;  
к) хавфли юкларни ташишга тайёрлаш;  
л) авиация хавфсизлиги бўйича тайёрлаш.
26. Борткузатувчиларни касбий тайёрлаш қуйидагилар орқали амалга оширилади:
- а) назарий машғулотлар;  
б) техник синфларда, ҳаво кемасида ва махсус тренажёрларда амалий машғулотлар (авария ҳолатлари, йўловчиларга тиббий ёрдам кўрсатиш ва хизмат кўрсатиш бўйича касбий фаолият элементларини такрорлаш);  
в) стажировкалар, шу жумладан авиакомпанияда ҳаво кемаси саҳнида бригада таркибида парвозларни бажариш (олинган билимлар ва моҳирликни амалий ишда мустаҳкамлаш).
27. Борткузатувчиларни касбий тайёрлашни ташкил этиш қуйидагиларни ўз ичига олади:
- а) ўқув жараёнларини ташкил этиш;  
б) ўқитиш учун номзодларни танлаш;  
в) ўқув базасини тайёрлаш (ўқув-услубий материаллар, аниқ қўлланмалар ва х. к.лар);  
г) синфлар ва махсус тренажёрларни тайёрлаш.
28. Фуқаро авиацияси ўқув марказида ўқитиш кундузги шаклда амалга оширилади.
29. Ўқувчиларнинг билимларини баҳолаш тест назорати ва (ёки) билетлар бўйича ўтказилади.
30. Касбий билимларнинг даражасини баҳолаш мезони «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ходимларига гувоҳномалар бериш ва уларни таснифлаш» Авиация қоидалари (ЎзР АҚ-61) (2004 йил 7 май, рўйхат рақами 1349) талабларига мувофиқ бўлиши лозим.
31. Фуқаро авиацияси ўқув марказида тайёргарлик курсини ўтган тингловчиларга белгиланган намунадаги гувоҳнома берилади.

## **§ 2. Фуқаро авиацияси ҳаво кемаси борткузатувчиси курси бўйича дастлабки тайёрлаш**

32. Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ҳаво кемалари борткузатувчиси гувоҳномасини беришда зарур бўлган талабларга жавоб бериш учун дастлабки тайёрлаш ҳаво кемаси саҳнида йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича касбий билимлар ва моҳирликни ўрганиш ва мустаҳкамлаш мақсадида амалга оширилади.

33. Фуқаро авиацияси ҳаво кемалари борткузатувчиси курслари бўйича дастлабки тайёрлаш авиакорхона (авиакомпания)лар йўлланмалари бўйича сертификатланган Фуқаро авиацияси ўқув марказида олиб борилади.



### **§ 3. Борткузатувчиларни халқаро ҳаво йўналишларида парвоз қилиш учун тайёрлаш**

34. Борткузатувчиларни халқаро ҳаво йўналишларида парвоз қилиш учун тайёрлаш борткузатувчининг халқаро парвозларнинг ўзига хос хусусиятлари бўйича билим ва моҳирликларга эга бўлиш мақсадида олиб борилади.

35. Халқаро ҳаво йўналишларида парвоз қилиш учун борткузатувчиларни танлаб олиш мазкур Қоидаларнинг 18—20-бандлари талаблари инобатга олинган ҳолда авиакорхона (авиакомпания) раҳбари томонидан белгиланади.

36. Борткузатувчиларни халқаро ҳаво йўналишларда парвоз қилиш учун тайёрлаш авиакорхона (авиакомпания)нинг йўлланмаси бўйича сертификатланган Фуқаро авиацияси ўқув марказида олиб борилади.

### **§ 4. Борткузатувчиларни ҳаво кемасининг бошқа русумига қайта тайёрлаш**

37. Ҳаво кемасининг бошқа русумга қайта тайёрлаш ҳаво кемасининг янги (бошқа) русумида унинг хусусиятлари инобатга олинган ҳолда борткузатувчининг лавозим вазифаларини бажариш учун зарур бўлган касбий билимлар ва моҳирликни ўрганиш мақсадида бажарилади.

38. Ҳаво кемасининг янги (бошқа) русумига қайта тайёрлаш учун борткузатувчиларни танлаб олиш авиакорхона (авиакомпания) томонидан ишлаб чиқилган раҳбарий ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилади.

39. Фуқаро авиацияси ҳаво кемалари борткузатувчиларини ҳаво кемаларининг янги (бошқа) русумига қайта тайёрлаш авиакорхона (авиакомпания) йўлланмалари бўйича Фуқаро авиацияси ўқув марказида олиб борилади.

### **§ 5. Тилга тайёрлаш бўйича малака ошириш**

40. Борткузатувчиларни тилга тайёрлаш бўйича малакасини ошириш йўловчилар билан чет тилларда муомала қилиш ва уларга халқаро класс бўйича хизмат кўрсатишга ўргатиш мақсадида амалга оширилади.

41. Тилга тайёрлаш бўйича малака ошириш курслари қуйидагиларни назарда тутди:

- а) фуқаро авиациясида қўлланиладиган махсус лексикани ўзлаштириш;
- б) сўзлашиш нутқини мукаммаллаштириш.

Фуқаро авиацияси ўқув марказида жорий қилинган қоидаларга мувофиқ давлат ва чет тиллар бўйича билимларни тасдиқлаш учун экстерн услубида имтиҳон топширишга йўл қўйилади.

42. Борткузатувчиларни тилга тайёрлаш бўйича курсларида ўқитиш авиакорхона (авиакомпания)ларнинг йўлланмалари бўйича сертификатланган Фуқаро авиациясининг ўқув марказида олиб борилади.

43. Раҳбарлик, инструкторлик таркиб ва борткузатувчилар тилга тайёрлаш бўйича малака ошириш курсларида уч йилда бир марта ўқийдилар.

44. Олий филологик маълумотга ёки тил бўйича олий маълумотга эга бўлган шахслар беш йилда бир марта тилга тайёрлаш бўйича малака ошириш курсларида ўқийдилар.

45. Мазкур Қоидаларнинг 43-44-бандларида белгиланган муддатларда тилга

тайёрлаш бўйича малака ошириш курсларида ўқимаган борткузатувчилар халқаро йўналишларда парвозга қўйилмайдилар.

### **§ 6. Борткузатувчиларнинг касбий (техник) машғулоти**

46. Борткузатувчиларнинг касбий (техник) машғулоти борткузатувчиларнинг малакасини керакли даражада ушлаб туриш учун олиб борилади. Борткузатувчиларнинг касбий (техник) машғулоти борткузатувчиларнинг инструкторлик таркиби томонидан махсус жиҳозланган синфларда олиб борилади.

47. Борткузатувчиларнинг касбий (техник) машғулоти режа-мавзулари методист томонидан тузилади ва борткузатувчилар бўлинмаси раҳбари томонидан тасдиқланади.

48. Борткузатувчилар касбий (техник) машғулоти олиб борилишининг ҳисоби касбий (техник) машғулотлар журналида юритилади, бунда қуйидагилар акс эттирилади:

- а) машғулотлар ўтказилиш санаси, вақти ва мавзуси;
- б) ўқитувчи фамилияси, исми, отасининг исми;
- в) борткузатувчиларнинг рўйхати;
- г) машғулотларга қатнашганлик тўғрисида белгилар;
- д) шахсий топшириқлар ва уларнинг бажарилиши.

49. Ҳар бир борткузатувчи касбий (техник) машғулотлар ўташи шарт. Режали машғулотларга қатнашмаган борткузатувчи касбий (техник) тайёргарлик материалларини мустақил ўрганиб, билимлари синалгандан кейингина парвозларга қўйилади. Билимларни назорат қилиш борткузатувчи-инструктор, методист-инструктор ва бўлинма раҳбари зиммасига юкланади.

### **§ 7. ШЭХМда борткузатувчилар билимларининг тест назорати**

50. ШЭХМда борткузатувчилар билимларининг тест назорати гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш учун зарур бўлган билимлар ва моҳирлик савиясини сақлаш, парвоз ишларида 6 ойдан ортиқ муддатга узилиш бўлганда, малака даражасини бериш, тасдиқлаш, ошириш мақсадида Фуқаро авиацияси ўқув марказида ўқитилганда амалга оширилади.

51. Билимларнинг тест назорати авиакорхона (авиакомпания)ларнинг бундай синовлар ўтказиш учун компьютер техникаси билан жиҳозланган ва Ўзбекистон Республикаси Дававианазорати томонидан сертификатланган бўлинмаларида, шунингдек зарур ҳолларда авиакорхона (авиакомпания)лар бўлинмаларининг аризаларига мувофиқ Фуқаро авиацияси ўқув марказида ўтказилиши мумкин.

52. ШЭХМда билимларнинг тест назоратини ўтказиш, натижаларни расмийлаштириш тартиби авиакорхона (авиакомпания) раҳбари томонидан тасдиқланади.

53. Гувоҳномаларнинг амал қилиш муддатини узайтиришда борткузатувчилар билимларининг назорати икки йилда бир марта ШЭХМда тест назорати орқали амалга оширилади. Текширилаётган шахснинг билими мазкур Қоидаларнинг 30-бандига мувофиқ беш баллик тизим бўйича баҳоланади.

Гувоҳномаларнинг амал қилиш муддатини узайтиришда ШЭХМда тест назорати натижасида олинган баҳолар 6 ой мобайнида амал қилади.

54. ШЭХМда борткузатувчилар билимларининг тест назорати натижалари уларнинг малака даражасини тасдиқлаши ва имтиҳонларда баҳолар қўйилиш вақтида

имтихон олувчилар (махаллий малака комиссияси аъзолари) томонидан инобатга олинаши зарур.

#### **§ 8. Борткузатувчиларни авария ҳолатлари бўйича тайёрлаш**

55. Борткузатувчиларни авария ҳолатлари бўйича тайёрлаш борткузатувчиларнинг фаолиятидаги энг муҳим аспект сифатида йўловчиларнинг ҳаво кемаси саҳнида хавфсизлигини таъминлашда керакли даражада билим ва малака савиясини ошириш ва керакли даражада ушлаб туриш мақсадида ўтказилади.

56. Борткузатувчиларни авария ҳолатлари бўйича тайёрлаш икки йилда бир марта Ўзбекистон Республикаси Дававианазорат томонидан тасдиқланган дастурлар бўйича Фуқаро авиацияси ўқув марказида амалга оширилади.

57. Борткузатувчиларни авария ҳолатлари бўйича тайёрлаш борткузатувчи гувоҳномасини олиши учун зарур бўлган касбий тайёрлашнинг ажралмас қисмидир.

Борткузатувчи гувоҳномасига эга бўлган мутахассислар эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар, авария ҳолатлари бўйича тайёргарликдан ўтишлари шарт.

58. Мазкур Қоидаларнинг 56-бандида белгиланган муддатларда авария ҳолатлари бўйича тайёрлаш машғулотларидан ўтмаган борткузатувчилар парвозларни бажаришга қўйилмайдилар.

#### **§ 9. Борткузатувчиларни ҳаво кемасида хавфли юкларни ташиш қоидалари бўйича тайёрлаш**

59. Борткузатувчиларни ҳаво кемасида хавфли юкларни ташиш қоидалари бўйича тайёрлаш борткузатувчилар фаолиятидаги энг муҳим аспект бўлиб, ҳаво кемаси саҳнида йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича етарли даражада билим ва малака савиясини олиш ва ушлаб туриш мақсадида ўтказилади.

60. Борткузатувчиларни ҳаво кемасида хавфли юкларни ташиш қоидалари бўйича тайёрлаш икки йилда бир марта Ўзбекистон Республикаси Дававианазорат томонидан тасдиқланган дастурлар бўйича сертификатланган Фуқаро авиацияси ўқув марказида олиб борилади.

61. Ҳаво кемасида хавфли юкларни ташиш қоидалари бўйича тайёрлаш дастуридан ўтган борткузатувчилар белгиланган намунадаги гувоҳномага эга бўлади. Ушбу гувоҳнома асосида авиакорхона (авиакомпания) томонидан борткузатувчи гувоҳномасига унинг амал қилиш муддати кўрсатилган, авиакорхона (авиакомпания) раҳбари томонидан имзоланган ва гербли муҳр билан тасдиқланган сертификат-илова расмийлаштирилади.

62. Мазкур Қоидаларнинг 60-бандида белгиланган муддатларда хавфли юкларни ташиш қоидалари бўйича тайёрлаш машғулотларидан ўтмаган борткузатувчилар парвозларни бажаришга қўйилмайдилар.

#### **§ 10. Борткузатувчиларнинг малакасини ошириш ва ушлаб туриш**

63. Ҳаво кемаси борткузатувчиларининг малакасини ошириш ва ушлаб туриш уларнинг касбий билимларини мукаммаллаштириш ва амалий моҳирлигини ошириш, бошқарув-рахбарлик ва инструкторлик таркиб учун эса қўшимча равишда услубий ишлардаги билим даражасини ушлаш ва мукаммаллаштириш мақсадида амалга оширилади.

64. Борткузатувчилар малакасини оширишга қуйидаги йўллар билан эришилади:

- а) ҳаво кемасининг бошқа русумига қайта тайёрлаш;
- б) малака даражасини ошириш.

65. Борткузатувчиларнинг малакасини ушлаб туриш қуйидаги йўллар билан эришилади:

- а) авиакорхона (авиакомпания)ларнинг бўлинмаларида касбий (техник) машғулотлар ўтказиш;
- б) билимларни ҳар қандай синашда ШЭХМ орқали тест назоратини ўтказиш;
- в) бригадирлар билан семинар машғулотлар ўтказиш;
- г) инструкторлик таркиб билан семинар машғулотлар ўтказиш.

### **§ 11. Борткузатувчиларни авиация хавфсизлиги бўйича тайёрлаш**

66. Борткузатувчиларни авиация хавфсизлиги бўйича тайёрлаш хавфсизликни таъминлаш ва унинг таъминланишига қандай усуллар билан эришилиши бўйича керакли билимларни олиш ва етарли даражада ушлаб туриш мақсадида ўтказилади.

67. Борткузатувчиларни авиация хавфсизлиги бўйича дастлабки ва мунтазам тайёрлаш икки йилда бир марта Ўзбекистон Республикаси Давлавианазорат томонидан тасдиқланган дастурлар бўйича Фуқаро авиацияси ўқув марказида олиб борилади.

## **IV. Борткузатувчиларни ҳаво кемаси саҳнида ишлашга қўйиш**

### **§ 1. Умумий қоидалар**

68. Борткузатувчиларни ҳаво кемаси саҳнида ишлашга авиакорхона (авиакомпания) раҳбари томонидан тасдиқланган ишга киришиш дастурига мувофиқ ва қуйидаги амал қилувчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда рухсат берилади:

- а) малака тўғрисида тегишли белгилар киритилган Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ҳаво кемаси борткузатувчисининг гувоҳномаси;
- б) авария ҳолатлари ва хавфли юкларни ташиш бўйича сертификатлар;
- в) борткузатувчининг тиббий кўрикдан ўтганлиги тўғрисида тиббий хулосаси;
- г) тиббий сертификат (агар зарур бўлса).

### **§ 2. Борткузатувчиларга парвозларда бўлган танаффуслардан кейин ҳаво кемаси саҳнида ишлашга рухсат бериш**

69. Раҳбарлик, инструкторлик таркибни ва борткузатувчиларни парвозларда бўлган танаффуслардан кейин ҳаво кемаси саҳнида ишлашга уларнинг парвозлардаги танаффуслари давомийлигига қараб белгиланувчи қуйидаги муолажалардан ўтганидан кейин рухсат берилади:

- а) 1 ойдан 3 ойгача бўлган танаффусда — дастлабки тайёргарлик ҳажмида билимларни текшириш. Тайёргарлик тегишли журналларда акс эттирилади;
- б) 3 ойдан 6 ойгача бўлган танаффусда — касбий (техник) машғулотлар ва дастлабки тайёргарлик ҳажмида (кўрсатилган даврда) билимлар назорат қилинади. Тайёргарлик тегишли журналларда акс эттирилади;

в) 6 ойдан 2 йилгача бўлган танаффусда — касбий (техник) машғулотлар ва дастлабки тайёргарлик ҳажмида (кўрсатилган даврда) билимларни ШЭХМда синаш, авария ҳолатлари бўйича тайёрлаш, шунингдек стажировка дастурининг камида 50 фоизини ўташ. Стажировка натижалари «Стажировка топшириғи»да расмийлаштирилади. Синов тегишли журналларда ва борткузатувчининг парвоз дафтарчасида акс эттирилади;

г) 2 йилдан 5 йилгача бўлган танаффусда — билимларни ШЭХМда синаш дастури ҳажмида давлат ва чет тиллар, авиация хавфсизлиги, хавфли юкларни ташиш, авария ҳолатлари бўйича малака ошириш курсларини, шунингдек стажировка дастурининг камида 50 фоиз ҳажминини ўташ. Стажировка натижалари «Стажировка топшириғи»да расмийлаштирилади. Тайёргарлик тегишли журналларда ва борткузатувчининг парвоз дафтарчасида акс эттирилади.

70. Ҳаво кемасининг бирор русумидаги парвозларда танаффуслар бўлганда, агар парвозлар бошқа русумдаги ҳаво кемасида узилмаган бўлса, бу русумдаги ҳаво кемаларда парвоз қилишга рухсат бериш мазкур Қоидаларнинг 66 ва 68-бандларига мувофиқ амалга оширилади.

71. Парвозларда 5 йилдан ортиқ танаффус бўлганда парвозларга рухсатни қайта тиклаш ҳуқуқи йўқолади. Борткузатувчини парвозларни бажаришга тиклаш масаласи Ўзбекистон Республикаси Даволаш вақолати Юқори малака комиссияси (ЮМК) томонидан ҳал қилинади.

Ҳаво кемасининг бир русумидаги парвозлардаги танаффуслар 5 йилдан ортиқ бўлганда (агар парвозлар бошқа русумдаги ҳаво кемаларда узилмаган бўлса) ҳаво кемасининг бу русумида парвоз қилишга рухсатни тиклаш мазкур Қоидаларнинг 37-банди талабларига мувофиқ амалга оширилади.

### **§ 3. Борткузатувчиларнинг амалий ишларини рейс шароитларида текшириш**

72. Борткузатувчиларнинг амалий ишларини рейс шароитларида текшириш қуйидагиларга эришиш учун амалга оширилади:

а) ҳаво кемаси саҳнида ишларни мустақил бажаришга рухсат олиш;

б) парвоз қилиш фаолиятида 6 ойдан кўп танаффус бўлганда ҳаво кемаси саҳнида ишларни бажаришга рухсат олиш;

в) борткузатувчиларнинг амалий ишларини мазкур Қоидаларнинг 73-бандида кўрсатилган муддатларда рейс шароитларида текшириш;

г) бир неча русумдаги ҳаво кемаларида парвозларни бажариш. Бунда текшириш тоифа жиҳатдан юқори ёки тенг турдаги ҳаво кемаларида амалга оширилади.

73. Борткузатувчиларнинг амалий ишлари инструктор ва раҳбар ходимлар томонидан қуйидаги муддатларда текширилади:

а) малака даражасидан қатъи назар — мазкур турдаги ҳаво кемасида биринчи йил ишлаш давомида 6 ойда камида бир марта;

б) бир йилдан ортиқ иш стажи бўлганда берилган малака даражасидан қатъи назар — йилига камида бир марта.

74. Гувоҳноманинг муддатини узайтириш учун амалий ишлар текшируви натижалари қуйидаги муддатларда амал қилади:

а) борткузатувчилар учун (малака даражасидан қатъи назар) — 1 йил давомида;

б) борткузатувчилар учун бошқа ҳаво кемаси русумига қайта ўқигандан кейин биринчи йил мустақил иш стажида — 3 ой давомида.

**V. Борткузатувчилар текширувчиси**

75. Борткузатувчилар текширувчиси бўлиб борткузатувчи гувоҳномасига ҳамда инструкторлик ишларини олиб бориш учун рухсатномага эга бўлган авиакомпаниянинг масъул шахси, фуқаро авиацияси ўқув марказларининг борткузатувчилар билан ишлаш бўйича методисти, шунингдек борткузатувчиларнинг раҳбар, инспекторлик ёки инструкторлик таркиби бўлиши мумкин.

76. Рейс шароитларида борткузатувчилар текширувчиси борткузатувчилар бригадаси бошлиғи ҳисобланади ва ҳаво кемаси командирига бўйсунди.

77. Борткузатувчилар текширувчиси борткузатувчилар бригадасининг йўловчиларга хизмат кўрсатиш технологиясининг бажарилишини таъминловчи асосий таркибга қўшимча равишда киритилади.

**VI. Борткузатувчиларнинг рейсни бажариш бўйича ишларини ташкил этиш****§ 1. Борткузатувчиларни дастлабки тайёрлаш**

78. Борткузатувчиларни дастлабки тайёрлаш бажариладиган рейслар олдидан амалга оширилиши керак. Тайёрлашларнинг барча турлари тегишли журналларда расмийлаштирилади. Дастлабки тайёрлашлар қуйидаги таркибларда олиб борилади:

- а) борткузатувчилар гуруҳи билан;
- б) борткузатувчилар бригадаси билан;
- в) якка тартибда.

79. Дастлабки тайёргарлик қуйидаги шаклда ўтказилади:

- а) борткузатувчилар бўлинмаларида машғулотлар; стажировка дастурини ўташда; парвозлардаги танаффуслардан кейин; литер, ўта муҳим парвозларни бажариш учун; алоҳида хусусиятли тоифадаги кўп сонли йўловчиларни ташиш бўйича махсус рейсларни бажариш учун; янги йўналиш бўйича биринчи рейс олдидан; алоҳида буюртма ва чартер рейсларини бажариш учун; алоҳида мураккаб доимий рейсларни бажариш учун;
- б) мунтазам рейсларни бажаришда ҳаво кемасининг учиши олдидан борткузатувчилар бригадасида брифинг.

80. Дастлабки тайёргарликни борткузатувчи-бригадир, зарурат туғилганда эса раҳбарият томонидан тайинланган борткузатувчи-инструктор ўтказди. Дастлабки тайёргарлик борткузатувчиларнинг парвозларни бажаришга тайёрлигини текшириш билан якунланади.

**§ 2. Борткузатувчиларнинг парвоз олди тайёргарлиги ва парвоздан кейинги ишлари**

81. Борткузатувчиларни парвоз олди тайёргарлиги ва парвоздан кейинги ишлар технологияси ҳаво кемаси русуми ва борткузатувчиларнинг сонини ҳисобга олган ҳолда инструктор ва методист ходимлар томонидан ишлаб чиқилади, борткузатув-

чиларни рейсларга тайёрлашдаги фаолиятининг технологик жараёнларида иштирок этувчи ўзаро ҳаракат бўйича боғлиқ бошқа хизматлар билан келишилади ҳамда авиакорхона (авиакомпания) раҳбари томонидан тасдиқланади.

### **§ 3. Ҳаво кемаси саҳнида йўловчиларга хизмат кўрсатишни ташкил этиш**

82. Ҳаво кемаси саҳнида йўловчиларга хизмат кўрсатишни ташкил этиш ҳаво кемаси саҳнида йўловчиларга хизмат кўрсатиш технологиясига мувофиқ амалга оширилади. Ҳаво кемаси саҳнида йўловчиларга хизмат кўрсатиш технологияси борткузатувчиларнинг инструктор ва методист ходимлари томонидан ишлаб чиқилади ва авиакорхона (авиакомпания) раҳбари томонидан қуйидагилар ҳисобга олинган ҳолда тасдиқланади:

- а) ҳаво кемаси русуми;
- б) борткузатувчилар сони;
- в) хизмат кўрсатиш даражалари;
- г) кўрсатиладиган хизматлар турлари;
- д) парвоз вақти.

### **VII. Борткузатувчилар ишларининг ташкил этилишини назорат ва таҳлил қилиш**

83. Борткузатувчиларнинг ишларини назорат қилиш борткузатувчиларнинг раҳбар, инструктор ва инспектор ходимлари томонидан амалга оширилади ва тизимли, мақсадли ҳамда аниқ бўлиши лозим.

84. Қуйидагилар назорат ва таҳлил қилинади:

- а) борткузатувчилар ишлари (парвозлари)ни режалаштириш;
- б) касбий тайёрлаш ва ишлашга рухсат бериш;
- в) авария ҳолатлари ва хавфли юкларни ташиш бўйича назарий ва амалий тайёрлаш.

### **VIII. Муҳокамалар**

#### **§ 1. Умумий қоидалар**

85. Муҳокама борткузатувчиларнинг касбий билим даражасини ва самарадорлигини, ишларнинг ташкил этилиш сифатини оширишнинг асосий шаклларида бири ҳисобланади.

Муҳокамалар қуйидаги мақсадларда ўтказилади:

- а) борткузатувчилар раҳбар ва инструктор ходимларининг услубий ва тарбиявий ишларини ташкил этишни мукамаллаштириш;
  - б) борткузатувчиларни касбий тайёрлаш ҳамда ишлаш технологиялари шакллари ва услубларини мукамаллаштириш;
  - в) борткузатувчиларнинг илғор иш тажрибаларини тарқатиш.
86. Борткузатувчилар ишлари муҳокамалари қуйидагиларга бўлинади:
- а) парвоздан кейинги муҳокамалар;
  - б) борткузатувчиларнинг инструктор ходимлари билан муҳокамалар;
  - в) борткузатувчилар хизмати (БКХ)да умумий муҳокамалар.

**§ 2. Парвоздан кейинги муҳокамалар**

87. Борткузатувчиларнинг рейс шароитларидаги ишлари ҳар бир парвоздан кейин муҳокама қилинади:

а) борткузатувчилар бригадасида бригадир томонидан (зарурият бўлса, экипаж аъзолари иштирокида);

б) ҳаво кемаси учувчи экипажининг парвоздан кейинги муҳокамасида борткузатувчининг иштирокида (III класс ҳаво кемасида).

88. Нотўғри бажарилган ишлар ва ҳаракатлар бўйича ўтказилган муҳокамалар материаллари, натижалари умумий муҳокамада барча борткузатувчиларга етказилади.

89. Муҳокамалар авиакорхонада (авиакомпанияда) жорий қилинган учиш-штаб ҳужжатларини юритиш қоидаларига мувофиқ расмийлаштирилади.

**§ 3. Борткузатувчиларнинг инструктор ходимлари билан ўтказиладиган муҳокамалар**

90. Борткузатувчиларнинг инструктор ходимлари билан муҳокамалар ҳар ойда бажарилган ишлар тўғрисидаги маълумотларни туркумлаш, уларнинг ташкиллаштирилишини таҳлил қилиш ва кейинги ойга тадбирлар режасини ишлаб чиқиш мақсадида ўтказилади.

91. Инструкторлар билан муҳокамаларни юқори турувчи раҳбар томонидан тасдиқланган режа бўйича борткузатувчилар бўлинмаси раҳбари томонидан ўтказатилади.

92. Инструкторлар билан ўтказилган муҳокамалар махсус журналда расмийлаштирилади, зарурият бўлганда унинг мазмуни умумий муҳокамада борткузатувчиларга етказилади.

**§ 4. БКХда ўтказиладиган умумий муҳокама**

93. Умумий муҳокама юқори турувчи раҳбар томонидан тасдиқланган режа бўйича борткузатувчилар хизмати раҳбари томонидан ўтказилади.

94. Умумий муҳокама ҳаво кемаси борткузатувчилар бўлинмасининг барча шахсий таркиби иштирокида бир ойда камида бир марта ўтказилади.

95. Умумий муҳокамани ўтказиш авиакорхона (авиакомпания)да жорий қилинган учиш-штаб ҳужжатларини юритиш қоидаларига мувофиқ муҳокамалар журналида расмийлаштирилади ва муҳокама материаллари билан махсус папкада сақланади.

96. Муҳокама мазмуни муҳокамада иштирок этмаган борткузатувчилар ва инструкторларга қуйидаги йўллар билан етказилади:

а) такроран муҳокама ўтказиш;

б) муҳокама мазмунини борткузатувчилар ва инструкторларга касбий (техник) тайёргарлик машғулотларида, дастлабки тайёргарликда ва брифингларда;

в) муҳокама материалларини парвоз фаолиятидаги танаффуслардан кейин мустақил равишда ўрганиш.



**IX. Борткузатувчиларнинг услубий ишларини ташкил этиш****§ 1. Умумий қоидалар**

97. БКХда услубий ишларни ташкиллаштириш авиакорхона (авиакомпания)лар учиш-услубий бўлинмалари, фуқаро авиациясининг ўқув-машқ бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

98. Борткузатувчилар бўлинмаларида услубий ишларни ташкиллаштириш БКХ раҳбари, инструктор ходимлари ва инструктор-методистлари томонидан амалга оширилади.

99. Раҳбар ва инструктор ходимларни услубий тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси Дававианазорат томонидан тасдиқланган режалар ва дастурлар бўйича белгиланган тартибда сертификатланган Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг ўқув марказида амалга оширилади.

+

—

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги маълум қилади:**  
**вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг**  
**умумий мажбурий тусдаги норматив ҳужжатларини давлат**  
**рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2007 йил 20 октябрдан 26 октябргача бўлган маълумот**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. «Йўловчилар ва юкларни автомобиль транспортида ташиш билан шуғулланаётган юридик шахсларнинг ходимларига ва юкларни автомобиль транспортида ташиш билан шуғулланаётган хусусий тадбиркорларга қўйиладиган малакавий талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги *Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғининг 2007 йил 12 октябрдаги 126-сонли буйруғи.*

**2007 йил 20 октябрда 1626-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 30 октябрдан кучга киради).**

2. «Дон нархлари ўртасидаги фарқни тартибга солиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 10 сентябрдаги 83, 28, 2007-51-сонли қарори.*

**2007 йил 20 октябрда 1729-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 30 октябрдан кучга киради).**

3. «Шифокор рецептсиз сотиладиган дори воситаларининг рўйхати тўғрисида»ги *Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2007 йил 25 сентябрдаги 422-сонли буйруғи.*

**2007 йил 20 октябрда 1730-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 30 октябрдан кучга киради).**

4. «Истеъмолчи объектларини электр таъминоти лойиҳаларининг келишувини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги *Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлиғининг 2007 йил 17 сентябрдаги 144-сонли буйруғи.*

**2007 йил 20 октябрда 1731-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 30 октябрдан кучга киради).**

5. «Республика кўчмас мулк биржаси томонидан ўтказиладиган аукционларда қимматликларни сотиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси, Марказий банк Бошқарувининг 2007 йил 12 октябрдаги 92, 01/23-1060, 25/6-сонли қарори.*

**2007 йил 20 октябрда 145-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 30 октябрдан кучга киради).**

6. «2006 йил 30 августдаги Орол денгизининг Ўзбекистон қисмига тегишли маҳсулот тақсимотига оид Битимни бажариш доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлигининг 2007 йил 5 сентябрдаги 01-02/12-27, ЭГ-01/10-3960, 33-сонли қарори.*

*2007 йил 22 октябрда 1732-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 1 ноябрдан кучга киради).*

7. «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси борткузатувчиларининг ишларини ташкил этиш қоидаларини (ЎзР АҚ-95) тасдиқлаш тўғрисида»ги *Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2007 йил 20 сентябрдаги 145-сонли буйруғи.*

*2007 йил 26 октябрда 1733-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 5 ноябрдан кучга киради).*

## **II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Республика кўчмас мулк биржаси томонидан ўтказиладиган аукционларда қимматликларни сотиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомн. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси, Марказий банк Бошқаруви томонидан тасдиқланган. (рўйхат рақами 145, 26.05.1995 й.).*

*Адлия вазирининг 2007 йил 20 октябрдаги 204-мх-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.*

## **Кучини йўқотган деб эътироф этилди ва ижродан чақириб олинди:**

1. *Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2000 йил 9 июндаги 96-сонли буйруғи.*

**Ушбу ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тақдимномаси асосида давлат рўйхатидан ўтказилмаган ва амалдаги қонунчиликка зид ҳужжат сифатида кучини йўқотган деб эътироф этилди ва ижродан чақириб олинди.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ  
МАЪЛУМОТЛАРИ  
МИЛЛИЙ БАЗАСИ



## ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасининг ахборот излаш тизими (ҚХММБ LexUz) аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини кўтариш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан юридик ва жисмоний шахсларнинг кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлаштириш тизимини такомиллаштириш мақсадида яратилган.

***LexUZ фойдаланувчиларга ҚХММБда Интернет орқали фойдаланиш имкониятини таъминлайди ва бунда:***

— норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таркибий қисмлари ва реквизитлари, шунингдек, юридик таҳлил карточкаларидаги маълумотлари асосида, яъни:

— Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқлари умумҳуқуқий классификатори бўйича;

— қонунчиликнинг мавзули маълумотномаси бўйича;

— тушунча ва терминлар маълумотномаси бўйича;

алфавит-предметли кўрсаткич бўйича кўпмезонли, кенгқамровли қидириш имконини беради.

излаш натижалари жадвал қаторлари кўринишида акс эттирилади ва улар билан ишлашнинг қуйидаги имкониятлари мавжуд:

— танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича саралаш;

— танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича гурuhlаш;

— ҳужжатлар билан ишлаш учун натижавий жадвалда уларни танлаш;

— излаш натижасида танланган ҳужжатларга оид барча маълумотларни олиш;

— ҳужжатларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришларнинг хронологик тарихини кўриш;

— ҳужжат матнини алоҳида ойнада очиш;

— ҳужжат матнининг фойдаланувчи танлаган санадаги ҳолатини кўрсатиш;

— «Ҳаволалар ҳаритаси» — танланган ҳужжатга нисбатан корреспондент / респондент ҳужжатлар рўйхати;

— ҳужжат таркибида расмий матн қаторида норасмий ахборотларни (тушунтириш ва изоҳлар каби) акс эттириш;

— ҳужжат таркибида матн, жадвал, расмлар ва графикларни акс эттириш;

— фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини автоматик тарзда тизимда сақлаб қолиш ва бунда:

— танланган ҳужжатлар рўйхатини сақлаб қолиш;

— излаш шартларини сақлаб қолиш;

— фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини тизимда сақлаш;

— фойдаланувчи маълумотларини ва интерфейсини ўзбек ва рус тилларида олиб бориш;

— базага киритилган ҳужжатлар ҳақида электрон почта орқали хабар йўллаш.

**WWW.LEX.UZ**

сайтига марҳамат қилинг